

САОДДАТ



1
2020

1925 йилдан чиқа бошлаган

*Ҳар бир
инсон ўз
тақдирининг
эласи*



Миркарим Осим

(1907-1984)

“

– Шаҳаншоҳ менга эмас, менинг юртимга, бойлигимга ошиқ бўлгандир, – деди Тўмарис заҳарханда қилиб. – Мен эмас, шу сербарака юртим унга керак бўлиб қолган. Сиз, элчи жаноблари, ўз тождорингизга бориб айтинг: мен унинг таклифини қатъий рад этаман. Мен унга қаллиқ бўлишни, ўз элимни унга кул қилиб топширишни истамайман...

Миркарим Осимнинг “Тўмарис” асаридан.



Миркарим Осим тарих фанидан қўлланма, тавсия, дарсликлар яратган. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи “Астробод”, “Алишер Навоий ва Дарवेशали”, “Бадарға”, “Навоийнинг хислатлари”, “Улуғбек ва Навоий” сингари тарихий асарлари, “Ўтрор”, “Тўмарис”, “Широқ”, “Темур Малик”, “Александр ва Спитамен”, “Моҳларойим ва Хонпошша”, “Карвон қўнғироғи”, “Элчилар” каби қисса ва ҳикоялари маънавий хазинамиздан жой олган.

“Зулмат ичра нур”, “Жайхун устида булутлар”, “Ибн Сино қиссаси”, “Алжабрнинг туғилиши”, “Синган сетор” каби қиссалари тарихий-биографик асарлар ҳисобланади.

Ундан қолган адабий мерос тарихнавис адибларнинг кейинги авлоди учун адабий мактаб вазифасини ўтайди.

2001 йили ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун Миркарим Осим “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган.



Кутлов

СИЗ БИЗНИНГ ОВОЗИМИЗ ВА ФАХРИМИЗСИЗ...

Ҳар бир кунини ҳаяжон билан кузатганимиз, ҳар бир саноғи яқунини юрак уришлари билан кутганимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатларни сайлаш жараёни ниҳоясига етди. Очиқлик, ошқоралик, шаффофлик тамойиллари асосида ўтган бу галги сайловлар жараёни том маънода демократия кўриниши сифатида баҳоланмоқда. Биз эришилган натижалардан мамнунлигимизни изҳор қилган ҳолда янги сайланган депутатларимизнинг 72 нафари аёллар эканлигидан алоҳида фахру гурур хис қилганимизни таъкидлашни истардик. Кейинги беш йилликда юртдошларимизнинг фаровон яшаши, она юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, барча жабҳаларда ривожланган мамлакатлар даражасига интилиши йўлида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 48, Олий Мажлис Сенатида эса 24 нафар опа-сингилларимиз фаолият олиб боришади. Улар орасида Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётига ҳамдам, ҳамнафас яшаб келаётган фаол муаллифларимиз, “Саодат” журнали кенгаши аъзолари, нашримизни

ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб келаётган Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, сенаторлар Элмира Боситхонова, Дилором Тошмуҳаммедова, Энаҳон Сиддиқова, Гулистон Аннақиличева, Гавҳар Алимова, Дилфуза Ўралова, Ҳаётхон Ортиқбоева ва Қонунчилик палатаси депутатлари Зухра Ибрагимова, Мухтабар Хусанова, Фариди Бўтаева (Афрўз)ларнинг бор эканлиги бизнинг овозимиз, ўзбек аёлининг овози нуфузли минбарлар қадар баландлагани, яна ҳам қадр топаётганини далиллайди. Биз уларнинг сиёсат майдонидаги янги қадамларини ҳам меҳр билан, яхши тилаклар билан кузатиб борамиз. Умуман, Ўзбекистоннинг пешқадам инсонлари қатори эътироф этилган барча депутатларимизни бу шарафли вазифани адо этишга киришган лаҳзалари, умр йўлларидаги катта доvonларга элтувчи унутилмас онлари билан жамоамиз номидан муборакбод этамиз. Ҳаётимизнинг ҳар бир кунини, ҳар дақиқасида Ўзбекистон учун, ўзбекистонликлар учун қувониш бахтига эришайлик. Шу ёруғ ниятда сидқидилдан қилаётган меҳнатларимиз роҳатини кўриш насиб этсин!

Чексиз эҳтиром билан
“Саодат” журнали жамоаси.

Дориламон

кунлар шукуҳи

Хаётда ҳар бир инсон ўз яшаш тарзи, армону орзулари билан ўзини дунё бағридаги бир оламдек ҳис қилади. “Менинг оилам, менинг фикрим, менинг бугуним, келажагим”, деб гапиради. Аслида одамларнинг саъй-ҳаракатларини ҳам, кечинмаларини ҳам у истиқомат қилаётган жамият бошқаради, яъни ҳар шахс ўй-хаёллари, қувонч-изтироблари билан даврию замонасининг бир жонли қисмидир. Шундай экан, бугун замондошларимиз қалбидаги уйғоқликка интилиш, тинчликка шукроналик, меҳнатга муҳаббат, яратишга иштиёқ ҳам яшаётган кунларимиздаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Шу маънода 2020 йилдан кутаётган муваффақиятларимизга олтин пиллапоя бўлган 2019 йилда мамлакатимизда моҳият, эътибори билан унутилмас воқеалар рўй берди. Бу ҳодисалар қувончи бугун ҳам юрагимизда акс садо бермоқда. Фақатгина сўнгги ойда, фақатгина бир йўналишда, дейлик адабиёт, маънавият жабҳасидаги янгилликлар ҳақида фикр юритганимизда ҳам кўнглимиз ёришиб кетади.



фильмлар олиниши, умуман, адиб ижоди билан боғлиқ барча эзгу ишлардан қувонсак ҳам, Абдулла Қодирийнинг кадр-қиммати унинг меҳнатлари қадар тақдирланмаётганидан дилимизда бир қадар ўксиниш бор эди. Янги йил арафасида Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида ёзувчига аталган музей ва ижод мактаби қурилиб, ўз фаолиятини бошлади. Адиб таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан ўтказилган хотира кечасида унинг набираси Хондамир бобокалонига кўрсатилган эҳтиром учун оиласи номидан миннатдорлик билдирар экан:

– Биз бу кунларни узоқ кутдик, орзиқиб кутдик, – деди. Дарҳақиқат, фақат авлодлари эмас, кўксинида ўз миллатига муҳаббат бўлган ҳар бир инсон, ҳар бир ўзбек бу кунларни интиқ кутгани рост. Энди бу музей халқига ихлос билан хизмат қилган, унинг миллат сифатида яшаб қолишига ҳисса қўшган ҳар қандай инсоннинг абадиятга дахлдор эканидан сўзлайди. Абдулла Қодирийнинг жасоратли руҳини даврдан даврларга олиб ўтади. Ижод мактабида эса адабиётсевар ўғил-қизларимиз камолга етади. Уларнинг ёш юракларида илму фанга муҳаббат баробарида Абдулла Қодирий вояларига садоқат, яъни ватанпарварлик, юртпарварлик ҳиссиётлари ҳам ўса боради. Айниқса, худди шу кутлуғ маконда маърифатпарвар боболаримиз асос солган қадим “Турон” кутубхонасининг ҳам жойлашгани нур устига нур бўлди. Электрон нашрлар, аудио китоблар, даврий нашрлар жамланган бу кутубхонанинг ҳар қаричида Мунаввар қори, Абдулла Авлоний каби маърифатпарвар боболаримизнинг ўлмас руҳи кезиб юрганига шубҳа йўқ. Пойтахтимиз кўркига кўрк қўшган бу маърифий мажмуани очар экан, мухтарам Президентимиз шундай деди:

– Биз нега пойтахтнинг “Эски шаҳар” қисмида Ислом цивилизация маркази, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби, музей ва кутубхоналарни қайта ташкил қиляпмиз? Сабаби – биз илм қайнаган руҳни, файзни қайтаришимиз ва шу орқали ўзлигимизни тўлароқ англашимиз керак”.

Илоҳо, шу юксак орзулар амалга ошсин! Фақат зиёлиларгина эмас, Ўзбекистоннинг ҳар фуқаро-

Абдулла Қодирий... Бу улуг инсонни ёдга олганимизда қалбимиз қалқийди. “Миллий насримизга, реалистик романчилигимизга тамал тошини кўйган...”, “Халқимизга хос энг гўзал фазилатларни ўзи ёзган асар қаҳрамонлари руҳиятига тўла сингдирган...”, “Яшаган давридаги тараққиётга ҳалақит бераётган иллатларни аёвсиз танқид остига олган...”, “Маърифат кучи билан фуқароларнинг онгини юксалтириш орқали миллий озодликка эришиш учун курашган жадидчилик ҳаракатининг пешқадамларидан бири...” каби юксак таърифлар тилга келади. Таърифлар баробарида юрагимизда фахру гурур туйғулари уйғонади. Лекин Абдулла Қодирий билан боғлиқ кечинмаларимиз шу нуқтада тўхтаб қолмайди. “Мустабид тузум жаллодлари томонидан ноҳақ қамалган”, “Адолатсиз равишда қатлга ҳукм этилган”, “Ўзига қилинган зулм етмагандек, авлодлари ҳам қатағон этилган” тарзидаги аламли маълумотлар ҳам хотирамиз тубидан юзага қалқийди. Кўп йиллар шундай изтиробли кечинмалар билан яшадик. Ёзувчининг машҳур “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” каби асарларининг чоп этилиши, бу китоблар асосида кино-

“

БИЗ НЕГА ПОЙТАХТНИНГ “ЭСКИ ШАҲАР” ҚИСМИДА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯ МАРКАЗИ, АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ИЖОД МАКТАБИ, МУЗЕЙ ВА КУТУБХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛЯПМИЗ? САБАБИ – БИЗ ИЛМ ҚАЙНАГАН РУҲНИ, ФАЙЗНИ ҚАЙТАРИШИМИЗ ВА ШУ ОРҚАЛИ ЎЗЛИГИМИЗНИ ТўЛАРОҚ АНГЛАШИМИЗ КЕРАК”.

си кўксида бор шавкати, бор қудрати билан Ватан уйғонсин! Юрту халқ учун севги, гурур, унинг шаъни учун яшаш, меҳнат қилиш мақсади уйғонсин!

Йил сўнгида худди шундай баланд орзулар билан яшаган ва ижод қилган халқимизнинг яна бир суюкли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева хотирасига ҳам муносиб эҳтиром кўрсатилди. Шоира туғилиб, ўсган Сирдарё вилоятида Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ҳам ўз фаолиятини бошлади. Шоиранинг жасоратли, меҳрли, курашувчан сийрати ёрқин акс этган ҳайкали ҳам айнан ўша куни очилди. Ёруғ, китоблар билан файзиёб хоналарда шоиранинг унутилмас мисралари акс садо бераётгандек:

*Ҳозирлан, бир шиддат, шахд келаётмир,
Йўлда сенмас, кўк дарахт келаётмир.
Ватан деб аталмиш қадргоҳларда,
Байроқдай ҳилпирар вақт келаётмир.*

Ҳа, адабиёт, маънавият сабоқлари аро бундай порлоқ чорловларни дилига майсадек эккан, қўлига туғдек тутган болалардан эртага шунчаки фуқаролар эмас, шахслар чиқади. Ахир, чинакам адабиётнинг тарбиячилик куч-қудратини ҳеч ким инкор эта олмайди-ку! Биз ҳам шоираи давронга жўр бўлиб мурғак қалбларини умид ила эртамизга тикиб турган фарзандларимизга қарата шундай дегимиз келади:

*Турк уйи тиклангай, келгай кўрк, шонлар,
Кўшқин куббасига теккай осмонлар,
Фишга айланса-да ҳар бири битта,
Уни кўтаргайдир туркийзабонлар...*

Кувонч шунданки, шоирамизнинг айтганлари ҳаёлот эмас, башорат эканлигига ҳозирдан, бугундан иймон келтирмакданиз. Фақат Хоразм вилоятининг эмас, мамлакатимизнинг машҳур шаҳарларидан бири, “Очиқ осмон остидаги музей” дея дунё қизиқишини орттираётган Хива шаҳри 2020 йили турк дунёсининг маданий пойтахти деб эълон қилинди. ТУРКСОЙнинг Ўш шаҳридаги доимий кенгаши 37-йиғилишида бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди. Озарбайжонда нашр этиладиган “Тарихий шахслар” журнали таҳририят аъзоларининг бир овоздан қилган қарорига кўра, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун бизнинг Президентимиз Шавкат Мирзиёв “Йил одами” деб эътироф этилди. Ҳар икки эътироф халқимизнинг, барча туркий халқлар билан биргаликда қадим илдизларимизга яқинлашаётганимиз-

ни, ўзлигимизни теранроқ англаётганимизни далиллайди. Тарихнинг қай-бир даврларида дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшиб, миллат сифатида танилиб, тан олинган халқимизнинг яна шиддат билан жаҳон саҳнасига кўтарилаётганининг намойиши бу. Албатта, 2018 йилда ҳам “Йил одами”

шарафига муносиб кўрилган, ундан ҳам муҳимроғи, жаҳонда тинчлик, дўстлик гоёларининг тантанаси учун манзили макон ажратмай курашаётган, дунёнинг соғлом фикрли кишиларини шу гоё атрофига чорлаётган Юртбошимизга қилинган ҳар эътироф, юртимизга кўрсатилаётган ҳар эҳтиром бошимизни осмонларга етказиш баробарида ҳар биримизга катта масъулият ҳам юклайди. Оила мустаҳкамлиги, фарзандлар тарбияси учун жавобгар бўлган биз – оналар миллату юртимизнинг, қолаверса, инсониятнинг бахтли, фаровон, эркин яшаши учун фидойилик кўрсатаётган, кўксимиздаги гурурни юксалтираётган Раҳбаримиз, қадди ҳам, қадри ҳам баландлаётган Ватанимизга муносиб бўлмоғимиз зарурият, бурч эканлигини кун тартибимизга қўяди.

Шундай кувонч, фахр, масъулият ва бурч туйғуларидан куч олиб Янги йилнинг илк ойларида яшаямиз. Бундай ҳиссиётлар фақат бизнинг эмас, барча опа-сингилларимизнинг кўнгилларидан кечаётганига, улар ҳам кадр топган улугларимиз учун қувонаётганига, катта эътирофлардан илҳомланиб, янги зафарларга чоғланаётганига ишонамиз.

Улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг замондоши, қисматдоши Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг бир шеъри шундай якунланади:

*Ана, сочдим қалбимдаги гулларни,
Термак учун чақираман қўлларни...*

Замонамиз барча яхши шароитлари, инсонга хайрихоҳлиги, бахтга, эркинликка тарафдорлиги билан юрар йўлларимизга саодат гулларини сочгани, сочаётгани ҳақиқат. Уни термоқ, бу гулларни Она диёр кўксига тақмоқ, уни яшнатмоқ бизнинг зиммамизда. Бошланган йил давомида шундай ёруғ тушунча ва шундай соғлом аҳду қарор сизу биз билан бирга бўлсин!

Мунаввара УСМОНОВА



ИНСОННИ

ЎЗГАРТИРИШ ОРҚАЛИ ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРАМИЗ

сида барча жабҳада яқин йилларда амалга оширишимиз зарур бўлган вазифаларни белгилаб берди. Сиз мақсад, интилишлари шу ғоя билан чамбарчас боғлиқ партия вакиласи сифатида ўзингизнинг келгусидаги фаолият майдонингизни қандай тасаввур қиляпсиз?

– Фақат юртдошларимизгина эмас, хорижнинг таниқли сиёсатдонлари ҳам яқдиллик билан эътироф этишаётганларидек, Президентимизнинг бу Мурожаатномаси биз – халқ депутатларининг, шу жумладан, фуқароларимизнинг ҳам шиддатли янгиланган таъсирида уйғонаётган фикратимиз, қалбимизга ўзгача куч-қувват берди. Мазкур Мурожаатнома фаолиятимизга замонавий ёндашув ва янгича мазмун олиб кирди, бу ҳужжатда бугун долзарб бўлиб турган барча масалалар юзасидан таклифлар билдирилиб, вазифалар белгилаб берилган бўлиб, янги қаҳриқдаги фаолиятимиз давомида дастуруламал бўлади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди дастуридаги “Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартирамыз” ғояси ҳам айнан билим ва тафаккурга таянади. Гапларим яна ҳам аниқлик касб этиши учун биргина халқ таълими соҳаси ҳақида фикрлашиб кўрайлик. Ўтган йиллар давомида нимага мактаб битирувчиларининг ўзлаштириш даражасидан кўнглимиз тўлмаяпти? Нега ҳатто аттестатларида яхши баҳолар ярқираб турган ўғил-қизларимиз ҳам репетиторларда тайёрланмасдан олий ўқув юр்தларига кира олмаяптилар? Чунки мактабларда ўқитиш сифатлари талабга жавоб бермай қолди. Ўқитувчилар қўшимча ишларга жалб қилинди. Боз устига, қоғозбозлик авжга чиқди. Битта фан ўқитувчиси ёки синф раҳбари ой сайин келиб турган текширувчилар учун ўнлаб папкалар ҳозирлаши керак бўлди. Шунинг учун таълим иккинчи ўринга ўтди, айтиш мумкинки, тарбияга етарли эътибор қаратилмади. Энди биз яратган ва тайёрлаётган қонунларимизни масаланинг моҳиятига хизмат қилдирамыз, яъни муаллим ўз вазифасини адо этади, ўқувчисига билим ўргатади, илм орқали онгини юксалтиради, ўзлигини англайди. Тарбияга алоҳида эътибор қаратилади. Бир сўз билан айтганда, мактабгача тарбия муассасасидан бошланган таълим ва тарбия уйғунлигидаги узлуқсиз ҳаракат самараси ўлароқ қалби миллий қадриятлар билан зийнатланган, замонавий билимларни эгаллаган, ким эканлиги ва ким бўлиши зарурлигини чуқур англаган ўғил-қизлар камолга етадики, улар билан бугунги жамиятнинг яна ҳам ижобий томонга ўзгариши тезроқ ва осонроқ амалга ошади. Ёки тиббиёт соҳасини олайлик. Одамларнинг ўз саломатлигига муносабати ўзгармаса, жамиятни тўла соғломлаштиришга эриша олмаймиз. Қачонки инсон ҳаётнинг қадрига етса, ўз саломатлиги учун ўзгалар эмас, ўзи масъул эканлигини тушуниб, турмуш тарзини тўғри ташкил этса, уйда, иш жойида соғлом муҳитни яратади. Тўғри овқатланиш, етарли ҳаракат қилиш, гигиена қоидаларига риоя қилиш лозимлигини онгли равишда тушунади, экологиянинг ифлосланмаслиги, аҳолига зарар етказмаслиги учун жавобгарлик туйғуси пайдо бўлади. Уларнинг кўнглидан “Мен кичкина одам бўлсам”, “Менинг фикрим билан бир нарса ўзгарармиди?” деган иккиланлишлар узоклашиб “Мен мана шу юртнинг гуллаб-яшнаши, одамларнинг бахтли яшаши учун ҳисса қўшишга бурчлиман”, деган ҳиссиётлар

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган партияларнинг сайловолди учрашувлардаги қизғин баҳсу мунозаралари поёнига етди. Халқ ва давлат орасида кўприклик қилишдек шарафли, машаққатли вазифани зиммасига олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг тигиз, серҳаракат иш кунлари бошланиб кетди. Халқ вакилларимизнинг 72 нафари аёллар эканлиги “Саодат”га ҳам янги мавзу, янги рукн ва янги йўналишлар бериши, шубҳасиз. Биз бугун саҳифамизга Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги 4-Амударё сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси Зумрад БЕКАТОВАни таклиф қилар эканмиз, саволларимиз жавоби билан ўқувчиларимизни сиёсат оламига яна ҳам яқинлаштиришни ният қилдик.

– Зумрад Раҳимбаевна, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига иккинчи бор муносиб кўрилдингиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарорига кўра “Меҳнаткаш депутат” деган эътирофга сазовор бўлибсиз. Сизни бу муваффақиятлар билан самимий табриклаймиз. Янги ютуқларга эришмоғингиз учун саломатлик, куч-қувват тилаймиз!

– Раҳмат, келаётган йиллар Ватанимиз, халқимиз, жумладан, барча опа-сингилларимиз учун хайрли, хосиятли келишни тилаймиз!

– Яқинда Муҳтарам Президентимизнинг Сиз депутатларга, Сизларнинг воситаларингизда бутун халқимизга мурожаатларини диққат билан эшитдик. Бу тарихий маъруза Ватанимиз тараққиёти, юртдошларимизнинг фаровонлиги йўлида қилинаётган кенг қамровли ишларни чуқур таҳлил қилиш баробарида келгу-

ўрнаша борса, ҳаёт тарзимиз ўзимиз интилаётгандек, ривожланган давлатлар даражасига қараб юксалади. Бизнинг партиямиз, шу жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати сифатидаги фаолиятим мамлакатимизда инсон капиталини кучайтиришга қаратилганлиги билан ўзига хослик касб этади, деб ўйлайман.

– Сиз 2015 йил январь ойидан 2018 йилнинг аввалигача Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси аъзоси, икки йилдан буён фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси сифатида фаолият олиб бораётган экансиз. Шу вақт мобайнида “Аҳолининг санитар-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги, “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги каби 12 та қонуннинг тайёрланиши ва қабул қилинишига масъул бўлибсиз. Ўз ҳуқуқингиз доирасида 2 та қонуннинг тайёрланиши ва қабул қилинишида ташаббускорлар гуруҳида иштирок этибсиз. Қонунларнинг тайёрланиши, аҳолига сингиши, уларнинг амалда ижро қилиниши, биз қанча хоҳламайлик, жуда тез бўладиган жараён эмас. Айтинг-чи, депутат сифатида сайловчиларингиз талабларига тезроқ пешвоз чиққан пайтларингиз бўлганми?

– Аслида барча қонунларимиз фуқароларимизнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб яратилади. Улар тўлалигича инсон манфаатларига хизмат қилиши шарт. Саволингизга келсак, Жайхунбўйи табиатидаги ўзгаришлар боис бирмунча кўпроқ қайд қилинаётган буйрак хасталигига чалинган беморлар учун Беруний тумани тиббиёт бирлашмасида гемодиализ пости ташкил қилишда иштироким борлигини айта оламан. Аҳолининг менга мурожаати ва менинг мутасаддиларга депутатлик сўровим асосида тегишли ташкилотларнинг саъй-ҳаракати билан ишга тушган бу пост бугун буйрак етишмовчилигидан азият чекаётган беморларнинг оғирини енгиллаштирмоқда. Умуман, сайловчиларнинг талаблари депутатни ҳаракатга келтирувчи куч. Шу боис ҳар бир халқ ноибининг сайловчилари билан доимий мулоқотда бўлиши билдирилган ишончни оқлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Олдинги чақириқдаги фаолиятимда менга тақдир тақозоси билан рафиқаси вафот этган эркакка турмушга чиқиб, унинг фарзандларини касб-корли, оилали қилган, бугун эса икки қизи билан бева қолган аёлдан илтимоснома келди. Ўғай болалар оталари қазо қилгач (гарчи онанинг ёнида ўзларига қондош икки ўсмир сингиллари бўлса-да), аёлни уйдан чиқариб юборган. Албатта, ҳодисанинг илдизига қараб чуқурлашиб борилса, асосий айб кимда, деган саволга атрофлича жавоб изланса, эҳтимол, гуноҳкор фақат ўғайлик қилаётган болалар эмасдир. Аммо икки қизи билан бошпанасиз қолган онага ёрдам кўлини чўзмасак, уларнинг қисмати яна хатоларга туташиб кетиши мумкин. Шу боис аёл яшайдиган ҳудуд раҳбарлари билан боғланиб, бу масалани ижобий ҳал қилишга эришдик. Ҳозир онанинг иши ҳам, уйи ҳам бор.

– Қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган қонунлар устидан парламент назоратини олиб бориш Сизларнинг асосий фаолиятингиз экани маълум. Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, халқимизнинг сиёсий онги юксалаётгани, муҳтарам Президентимизнинг депутатларга билдираётган ишончи боис фаолият доираларингиз, иш имкониятларингизда ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар бўлмоқда. Шу хусусида фикрлашсак...

– Авваллари биз ўз сайловчиларимиз билан йилига уч-тўрт марта учрашар эдик. Қонунчиликка тегишли ўзгариш киритилгани боис энди ҳар ойнинг охирига ҳафтасида сайловчиларимиз билан юзма-юз мулоқотда бўляпмиз. Бу биз қабул



қилган қонунлар мазмун-моҳиятини аҳоли онгига синдириш, фуқароларда қонунларга риоя қилиш учун масъулият ҳиссини уйғотиш жараёнини тезлаштирмоқда. Бундан ташқари, Ҳукумат аъзолари, жумладан, вазирлар депутатлар томонидан тасдиқланса, лавозимига қўйилмоқда. Қонунчилик палатаси соғлиқни сақлаш соҳасига, Сенат тинчлик учун масъул этиб белгиланди. Яна бир нарса – бугунги кунда парламентлараро алоқалар кенгаймоқда. Фахр билан таъкидлаб ўтишни истардимки, ўтган йили парламентимизнинг бир қатор вакиллари нуфузли Халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Буларнинг барчаси Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг ички ва ташқи сиёсат майдонида обрўси ошиб бораётганидан, Халқаро майдонда ҳам Ўзбекистоннинг ўз овози борлигидан даракдир.

Халқ билан мулоқотнинг бутунлай янги шакли бўлган халқ қабулхоналари билан яқиндан муносабатга киришаётганимиз ҳам бизни одамларнинг қувонч-ташвишига янада яқинроқ олиб боради. Лекин барибир эришган натижаларимизни зиммамиздаги вазифамизга қиёслаганимизда анча вазни енгил. Мурожаатномада тараққиётнинг энг тўғри йўли демократия эканлиги тақрор-тақрор айтилди. Демократия – бу сўз эркинлиги, ҳар бир инсоннинг озод фикрли шахс даражасига юксалиши, коррупциясиз жамият, илм-маърифат устувор бўлган, ахборот технологияларига суяниб иш юритиладиган бошқарув, адолатли судлов... Бугун бу баландликларнинг ҳаммасига эришдик, деб айта олмаймиз, албатта. Лекин эришишимиз заруриятини тобора теранроқ англаяпмиз ва тинимсиз ҳаракатдамиз.

– Айтишади-ку, борар манзилинг аниқ бўлса, йўл унади, деб. Юрт юксалиши, юртдошлар саодатида дахлдор бўлган фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз!

– Раҳмат! Мен ҳам “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да “Саодат” журнали ва унинг мухлислари, шунингдек, барча аёлларимиз пешқадамлар сафида меҳнат қилади, деб ишонаман!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА суҳбатлашди.

Матонат

БУ МУЪТАБАР АЁЛ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ КЕЛГАНИНГИЗДА САБРУ ҚАНОАТ, ФАЙРАТ-ШИЖОАТ, ФИДОЙИЛИКНИНГ ТИМСОЛИНИ КЎРАСИЗ. ШАРОФАТ АЯ ҲАР КИМГА ҲАМ ДИЛ ЁРАВЕРМАЙДИ. БОЛАЛИГИ, ЎСМИРЛИГИ ЎФИРЛАНГАНИНИ, ҲАЁТ УНИ ЭРТА УЛҒАЙТИРИБ ҚЎЙГАНИНИ АЙТАВЕРМАЙДИ. У КУРАШУВЧАНЛИГИ, ИЛМГА ЧАНҚОҚЛИГИ, МАТОНАТИ ТУФАЙЛИ БАХТЛИ, ТЎКИС ҲАЁТГА ЕТИШДИ.



85

ёшнинг баҳорига юзланаётган Шарофат Хўжаеванинг ҳаёти аёлларимизга ибрат намунасидир. Ая Тошкентда, асли бухоролик бўлган зиёлилар оиласида дунёга келган. Онаси Муҳаббат Хўжаева таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаевга амаки сингил эди, улар ака-укаларнинг фарзандлари эди. Айнан шу сабаб 1936-37-йиллар қатағонида бутун бир сулоланинг бошига кулфатлар ёғилди. Урта Осиё давлат университетида таълим олаётган Муҳаббат Хўжаева ўқишдан ҳайдалди. Унинг турмуш ўртоғи Яхши Хўжаевни эса 1939 йили халқ душманининг куёви деган айблов билан партиядан ўчириб, ҳибсга олишади. Оталари қамалгач, эндигина биринчи синфга қатнаётган Шарофатни халқ душманининг қизи сифатида мактабдан ҳайдайдилар. Ҳаттоки кимлардир уйлари деворига “Бу уйда халқ душманининг болалари яшайди”, деб ёзиб ҳам кетишган. Улар оталари қамокдан оқланиб чиққунларига қадар Тошкентдаги момоларининг икки хонали уйларида тўққиз жон қийналиб яшайдилар. Шарофат Хўжаева ёшгина боши билан жудолик, хорлик, ноҳақлик, тухмат нималигини билди. Буларнинг барини енгил учун ўзини илмга, ўқишга бағишлади. Кейинчалик вазият тақозоси билан Когон шаҳрига кўчиб боришди. Шу ерда мактабда ўқиб, сўнг Тошкентдаги тиббиёт институтининг акушер-гинекология факультетига ўқишга кирди.

Тўртинчи курсда ўқирди. Бухоро шаҳридаги яқин қариндошлари тўй қиладиган бўлди. Талаба қиз Шарофат Тошкентдан ўша тўйга етиб боради. Кейинчалик садоқатли турмуш ўртоғи, маслаҳатгўйи, энг яқин инсони бўлган Шавкат Йўлдошев уни шу тўйда учратиб ёқтириб қолади.

“Ўқишим тугагунча кутди-я? Ўзлари ўқишини тугатиб, ишлаб юрганларига олти йил бўлганди ўшанда. Сабр қилганларини-чи? Икки йил мобайнида бор-йўғи икки-уч маротаба учрашибмиз, холос. У пайтлари ҳаё, андиша шунчалар кучли эдики, йигит-қиз эл кўзига хиёбонларда қўл ушлашиб, киноларга тушиб, бирга сайр қилишдан хижолат бўлишарди. Бор кечинмалари, меҳр-муҳаббати пинҳона эди. Фақат ўқиш, илм олиш, дарс тайёрлаш билан банд бўлганмиз”, – дея эслайди ўша кунларни Шарофат Хўжаева.

Тақдир болалиги, ўсмирлиги ўксиклик билан ўтган қизни турмуш борасида сийлади. Оғир-босиқ, сипо, билимли йигит унга далда, суянчиқ бўлди. Қолаверса, уларнинг қисматлари ўхшаш эди. Шавкат Йўлдошев ҳам олти ёшида отасидан айрилган, отаси 1937 йил қатағонига учраб, отиб ташланганди. Улар бир-бирлари учун яралганди, гўё. Фикрлари бир жойдан чиқар, бирининг камини бири тўлдирарди. Шавкат Йўлдошев мамлакатимиздаги тиббиёт соҳасида кўзга кўринган раҳбарлардан бирига айланди. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган врач” унвонига, тиббиёт фанлари номзоди даражасига етишди.

Шарофат Хўжаева ҳам ярим асрдан зиёд тиббиёт соҳасида эл соғлиги йўлида хизмат қилди. Олий тоифали шифокор қанчадан-қанча хаста дилларга малҳам бўлди, билим ва тажрибаси билан жонларига ора кирди, кўплаб шогирдлар етиштирди. Зайнаб Муродова, Норжон Аҳмедова, Матлуба



Фармонова каби шогирдлари учун у ҳануз намунали устоз. Байрамларда, яхши кунларда жамулжам бўлиб келишиб, Шарофат аянинг яхши сўзларига қулоқ тутадилар.

Ярим аср... Айтишга осон. Аммо ҳам уй, болалар тарбияси, нозик дидли эрнинг кўнгли, доимо узилмайдиган меҳмонлари, елкадаги масъулиятли вазифани уддалаш учун матонат, ёниқ юрак, фидойилик, боз устига оромдан кечиш керак эди. Шарофат Хўжаевада буларнинг бари бор эди. У уйда дилбар бека, меҳрибон оналикни ҳам бекаму кўст адо этарди. Улар уч фарзандни вояга етказдилар. Ўз фарзанди ҳақида бошқалардан яхши сўз эшитган кун ота-она учун энг яхши кундир. Эр-хотин қанчалик иш билан банд бўлишмасин, болаларининг таълим-тарбиясига қаттиқ туришарди. Бир куни дадаси Дилбар мактабдан келгандан сўнг: “Қизим, бугун неча баҳо олдингиз?” деб сўради. “Беш”, – деб жавоб берди Дилбар. “Сиз-чи, ўғлим?” Рустамни саволга тутди дадаси. “Беш”. “Қанақасига “беш” оласиз, кечаси Дилбарнинг дарс қилганини кўрдим, аммо сизнинг дарс қилганингизни кўрмагандим?” Сўнгра секингина аёлига: “Эртага мактабига бориб ўқитувчисидан сўра-чи, бола ёлгон гапирмаяптимикин?” – деди. Она эртасига мактабга бориб ўқитувчига учради.

– Рустамжоннинг зехни жудаям ўткир, – деганди ўшанда ўқитувчиси Саида Шарипова, – фақат “аъло”га ўқияпти. Синфдаги энг зукко болаларимдан.

Ўшанда Шарофат Хўжаеванинг боши осмонларга етганди. Улар фарзандларини ёлгон гапирмасликка, мард, саховатли бўлишга одатлантиришди. Ҳаётда бахтга фақат илм, маърифат орқали етиш мумкинлигини қалбларига сингдиришди. Меҳнатлари эса роҳатга айлана борди.

Айнан онасининг мутахассислигини танлаган Дилбархоннинг шаънига ҳар сафар мақтов сўзлар айтилганда Шарофат аянинг кўнгли ўсиб бораверади. Малакали жарроҳ Рустамжон ҳақиқий отаўғли бўлди. Аввал номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, сўнг докторлик илмий унвонига сазовор бўлди. Қашқадарё соғлиқни сақлаш бошқармасида бир муддат раҳбар бўлиб ишлаган Рустамжон айна пайтда Сирдарё вилоятида шу вазифада фаолият юритмоқда. У ҳақда “Ҳар жиҳатдан отасига ўхшайди-я, Шавкат Ғуломович мана шунақа фидойи жон эдилар”, дейишганида Шарофат аянинг миждалари қувонч ёшларидан намланади. Бухоро технология институти тугатиб, банк соҳасида хизмат қилаётган Икромжони ҳам ота-онасига фақат яхши сўзлар, раҳматлар келтирмоқда. Бундан ортиқ бахт яна қайда бор? Дам олиш чоғларида, таътил пайтларида фарзандлари, бир-биридан ширин неваралари жамулжам бўлганида Шарофат аянинг қувончлари ўн чандон ортади. Ўзининг ҳасратли болалигини хотирга келтираркан: “Болаларим, бу дориламон кунларнинг қадрига етинг”, дейди. Аждодларининг не чоғли покиза, ватанпарвар, элпарвар, маърифатли бўлганликларини невараларига гапириб беради.

– Боболарингиз, момоларингизга муносиб бўлинг, – дейди.


Шарофат ая ҳорғин нафас олиб ўтган умрига назар ташлар экан, шоирнинг шундай сатрлари кўнглидан ўтди:

*Ой нимадир, бизлар ой эдик,
Соҳиб ақл, ҳур чироӣ эдик.
Ҳаммадан тик қайтмас бой эдик,
Токи тирик, токи хиромон –
Кўргон экан оналаримиз,
Чўлпон экан оналаримиз.
Ўқ ўтмасди кўкрагимиздан,
Ёвларимиз келмасди тиздан,
Исинардик ўт ёқиб муздан,
Токи тирик ўлим билмас жон,
Қалқон экан оналаримиз.
Воҳ, бошланди кўргонсиз кунлар,
Ичга урди ўт, изгирилар.
Кимда қасос, кимдадир кинлар,
Билмай қолдик, қай сабаб, қачон
Ҳар ён тарқаб кетдик баримиз.
Ой нимадир, бизлар ой эдик,
Чўлпон экан оналаримиз,
Қалқон экан оналаримиз,
Кўргон экан оналаримиз.*

Бухоро шаҳрида бир хонадон бор. Саришталлиги, файзи билан кўнглингизга ўтиради-қўяди. Бу хонадонда улугворлик оддийлик билан қоришиб кетганига гувоҳ бўласиз. Мазкур битикларимиз қаҳрамони бўлган нуроний онахонни кўрган заҳоти “аслзода хонимлардан”, деган фикр ўтади кўнглингиздан. Адашмаган бўласиз. Бу инсон, аёл, она деган номга гард юқтирмай, тақдирнинг ҳар қандай зарбаларига матонат билан туриб бериб илми, маърифати билан қаддини адл тиклаган, меҳнати, ҳалоллиги билан бахт қасрини қурган, умридан рози бизнинг Шарофат аямиз бўлади. Тақдир юртимизни шундай аёллар, оналар билан сийлайверсин, биз эса уларни шарафлашдан толмаймиз.

Маматқул БОЗОРБОВЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

БЕДОР ТУНЛАР



ҲАЖИРАХОН ОПА ТОНГНИ ҲАР ДОИМГИДЕК ЭРТА ҚАРШИ ОЛДИ. САҲАРДА ҚИЛИНГАН ИБОДАТ – ЭЗГУ ТИЛАКЛАРНИНГ ХОСИЯТИ УЛУҒ. ЭЛУ ЮРТГА ТИНЧЛИК, ҲУРЛИККА ШУКРОНАЛИК, ФАРОВОН КУНЛАРГА БАРДАВОМЛИК, ЮРТ АҲЛИГА, ЯҚИНЛАРГА САЛОМАТЛИГУ ХОТИРЖАМЛИК...

БУ ОИЛА КАТТАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ЭЗГУ ОДАТИ. БУГУН ОПАНИНГ КАЙФИЯТИ ЎЗГАЧА, КЎТАРИНКИ. ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ЁҒЛИ ПАТИРЛАР ЁПИБ, УМР ЙЎЛДОШИ БИЛОЛИДДИН АКА БИЛАН СУРХОН ТОМОН ЙЎЛ ОЛАДИ.

ЭРТАГА НАБИРАСИНИНГ ТУФИЛГАН КУНИ. БУГУНДАН ҲАРАКАТ ҚИЛМАСА, ВОДИЙДАН ВОҲАГА ЕТИБ БОРИШНИНГ ЎЗИ БЎЛАДИМИ...

Опа хамир қоришга ҳаракат бошлади. Ёнидаги келини Гулмирахон-ку ҳамма ишга шай, пазандаю чакқон. Сурхондарёда хизмат қилаётган ўғли Баҳодиржон онаси ёпган нонни хуш кўради. Ҳа, ўғиллари оналарининг қўли теккан ҳар неъматни дарҳол илғайди. “Аяжон, сизга етадиган пазанда йўқ-да”, дея болалик пайтларидагидек эркалиниб қўйишади. Бугун ҳарбий либосдаги уч ўғлони уч томонда юрт хизматида. Уларни улғайтириш, оёққа қўйиш ота-она учун осон кечмаган...

Ҳажирахон опаниннг кўз олдида беихтиёр уларнинг болалик чоғлари гавдаланди: катта ўғли Баҳромжон етти-саккиз ёшларда эди. Кеч куз, подани айни яйловга қўйиб юборадиган палла. Қишлоқ яқинида катта сой бўлиб, сойнинг у томони тепаликка уланиб кетган. Жониворлар шу ерда ўтлайди ва кечга томон ҳаммаси қўналғасига қайтади.

Ўша куни жуда қаттиқ шамол бўлиб, электр чироқлари ўчди. Шом тушди ҳамки, моллардан дарак йўқ. Билолиддин ака Баҳромжонни отга миндириб, молларни топиб келишга буюрди. Ҳажирахон опаниннг: “Дада-си, ўғлимиз ҳали ёш-ку, қандай қилиб...” деган эътирозига турмуш ўртоғидан, “Ўғилларингиз ҳарбий бўлишини хоҳлайсиз, ҳар сўзингизда таъкидлаб турасиз, шундай экан, ҳозирдан тарбиялаш керак”, деган жавоб олди.

Орадан бир соат ўтди, икки соат ўтди, боладан ҳам, бошқадан ҳам дарак йўқ. Атроф зим-зиё, шамол кучайгандан кучайган, она бетоқат, оила бошлиғи бепарводек, гўё. Ҳажирахон опа ўғлининг йўлини пойлагани чиқди-ю, кутишга тоқати етмай дала томон йўл олди. Баланд овозда боласини чақира бошлади. Увиллаган шамол ва тезоқар сойнинг шов-

қини унинг товушини ютиб юборар, тун қоронғилигида бир қадам нарини кўриб бўлмасди. У ортига қайтди, юраги увишди. “Болам қаттиқ кўрққан, кўрққани аниқ, уни тезда топиш керак...” Эр-хотин енгил машинада ўғилларини излаб кетишди. Мана, машина чироқлари ёруғида дала ўртасида болакай кўринди. У от устида бамайлихотир узоқларга кетиб қолган молларни ҳайдаб келарди. Ўша онда Билолиддин ака “Аяси, ишонаверинг, бу ўғлингиздан, албатта, юрт ҳимоячиси чиқади”, деган бўлса, ажабмас.

Баҳодиржон ўғлини эса дадаси беш ёшлигидан отга миндириб, қўлига пул бериб, ён қишлоқдаги қассобдан гўшт олиб келишга юборарди. Болакай бу вазифани отдан тушмай туриб уддаларди. Чунки отга қайтиб ўзи минолмайди-да. Болалари тарбиясидаги бу синовлар онаизорни хавотирга солмай қўймасди.

ЎҒИЛЛАРИМ, АЛБАТТА, ОФИЦЕР БЎЛАДИ

Мустақилликнинг илк йиллари. Буюк эврилиш сабаб, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари, миллий армияси ташкил этилди. Билолиддин аканиннг Россияда хизмат қилаётган жияни аскарлик бурчини Ўзбекистонда давом эттириш учун ортага қайтарилди. Оғир ҳўрлик ва камситишларни бошидан ўтказган йигитни ҳарбий қисмга олиб борган Билолиддин ака ўз юртида яна бир камситилишга рўбарў бўлди. Ҳарбий қисмда уларни қарши олган икки офицер, тоға-жиянларни тилимизга тушунмайди, деб ўйладими, “Қара, Ўзбекистонда армия тузилиб-

ди, армия. Бу армияси билан қаергача борар экан улар?" "Шуни айт, ўзини қандай ҳимоя қилар экан, билмадим..." қотиб-қотиб куларди улар.

Бу одамларнинг Она замини-мизда туриб юртимизга, армиямизга беписандлигидан алами келган Билолиддин ака ўшанда ният қилганди: "Ўзбекистон армиясига бутун дунё тан беришини кўрасанлар ҳали. Ўғилларимни мен ҳам, албатта, офицер қиламан". Отанинг нияти она-нинг орзуларига уланди. Ҳажирахон опа болаларини гўдаклигиданок, генерал ўғлим, деб эркалашдан чарчамасди.

Баҳромжон, Баҳодиржон, Бобуржон шу руҳиятда вояга ета бошлади. Оталарининг офицер дўсти Таваккал ака хонадонларига ташриф буюрганда болалар қувониб кетарди. Дарҳол унинг шапкасини навбати билан кийиб, ҳарбийчасига қадам ташлашарди. Боғчага ҳарбийча салом бериб киришарди. Болаларининг мурғак қалбида ниш ура бошлаган Ватан ҳимоячиси бўлишдек беғубор ниятнинг илдиз отишида, улуғ мақсадга айланишида Ҳажирахон опанинг ўрни бекиёс, албатта. Чунки боланинг биринчи тарбиячиси, биринчи устози онадир.

– Оиламиздаги аҳил-иноқлик, катталарга хурмат, билимга интилиш, китобга муҳаббат каби эзгу амалларнинг шаклланишида онам жуда катта ўрин тутган, – дейди подполковник Баҳромжон Зулфиқоров. – Йигитларга хос сабоқни эгаллашимиз, яъни спорт билан шугулланиш, чавандозлик, меҳнаткашлик, орият ва қатъият отамнинг устозлиги самараси. Дадам самбо бўйича бир қатор беллашувлар волиби бўлиб, кўпқарининг устаси. Менга ҳам жуда ёшлигимдан от минини ўргатган. Отанинг оиладаги ўрни, хурмати, фарзандларнинг унга бўлган муҳаббати онага бовлиқ, шубҳасиз. Биз ота-онамиз билан доимо фахрланиб келганмиз.

ЖОНКУЯР МУАЛЛИМА, ФИДОЙИ ОНА

Риштон туманига қарашли Навбахор қишлоғида Зулфиқоровлар оиласининг ўз ўрни, нуфузи бор. Билолиддин ака ва Ҳажирахон опанинг 46 йиллик ҳамжиҳатликдаги хонадони-

да беш фарзанд – уч ўғил ва икки қиз вояга етди.

Ҳажирахон опа умрининг 38 йилини таълим даргоҳларига етакчилик қилиш ва миллат фарзандларига сабоқ беришга бағишлади.

– Фарзандларимнинг каттаси Нодирахон, – дейди опа ўғил-қизлари ҳақида сўз юритар экан. – У тиббиёт йўналишини танлади. Ундан кейин тузилган уч ўғлим элимиз тинчлиги, юртимиз ҳимоясига камарбаста. Баҳромжон ва Баҳодиржон Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртини тамомлаган. Бобуржон Фаргона давлат университетининг бошланғич ҳарбий тайёргарлик факультетини тугатган. Биз ўғилларимизнинг касб танлашига аралашмадик, ўзларига қўйиб бердик. Чунки ҳарбий соҳа руҳан ва жисмонан етук йигитлар жойи. Аммо ёшлигидан офицер бўлишларини орзу қилиб, қуловига қўйиб тарбия берганимиз учунми, ўғилларимиз бошқа соҳани ўйламади ҳам.

Дадаси иккимиз соғинч юки билан яшасак-да, доимо шукроналар келтирамиз, дуолар қиламиз.

Соғинч юки...

Ҳажирахон опа айтиб ўтган соғинч юкига онанинг беором тунларидаги бедорлигини қўшсак, ҳақиқатга яқинроқ бўларди. Чунки юрт ҳимояси оддий вазифа эмаслигини опа яхши билади. Айниқса, ўғилларининг тунги навбатчиликда эканидан хабар топдими, она ўша тунни бедор ўтказди.

– Тақдир тақозоси билан бир пайтлар учала ўғлимиз бир жойда, яъни Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий билим юртида хизматда бўлди, – соғинч онларини ёдга олади Ҳажира опа. – Баҳромжон билим юртини битиргач, маълум муддат ўша ерда фаолият юритди. Баҳодиржонга эса курсантлик nasib этди. Кенжамиз Бобуржон аскарлик бурчини билим юрти ичидаги ҳарбий қисмда ўтай бошлади. Менинг қувонганимни кўрсангиз эди. Гўёки, ўша ерга етиб бораман-у, учала боламни баравар бағримга босаман. Довон оша Чирчиқ томон шошилдим. Соғинч ҳаяжони билан қизим иккимиз ҳарбий даргоҳ эшигидамиз.

– Опажон, ҳозир ўғилларингизни кўра олмайсиз. Ҳаммалари машғу-

лот билан банд, – вазиятни тушунтирди постда турган йигит. – Кечга томон келсангиз, балки, рухсат теғар.

– Тушунаман, ўғлим, иккала катта боламни кўришга имкон йўқдир. Фақат кенжа Бобуржонимни бир кўрсам бўлди, жуда соғинганман.

– Оддий аскар Бобуржон Зулфиқоров ҳам танк олдидан жанговар постда турибди. Буйруқдан четга чиқа олмайди, бажариши шарт. Ишонмасангиз, ўз кўзингиз билан кўринг, – билим юрти ичидаги танк томон имо қилди у.

Ташқаридаги баланд панжара бўйлаб кўриниб турган танк томон юрдим. Чиндан ҳам қўлида қурол билан Бобуржоним бошини баланд тутганча тек қотиб турарди. Онаманда, унинг номини айтиб чақира бошладим. У эшитиб турган бўлса ҳам, жойидан қўзғалиш тугул мен томон қараб ҳам қўймади. Унинг

илкидаги мажбуриятни тушундим ва ортимга қайтдим. Кечга томон ўғилларим билан кўришиш nasib этди.


Ҳозир бундай ҳолатга кўникиб кетганман. Ўғилларим, аввало, Ватан хизматидаги фарзандлар. Ҳаммалари масъулиятли вазифадаги офицерлар. Баҳромжон билан Баҳодиржон Мудофаа вазирлиги тизимида хизмат қилади, Бобуржон эса ички ишлар ходими. Куёв ва келинларимиз ўз фарзандларимиздек меҳрибон. Саккиз набирамиз – ҳаётимиз қувончи...

Ҳажирахон опанинг фидойилиги беиз кетмади. 2019 йили Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан фарзандларини ватанпарварлик руҳида тарбиялагани учун "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ватан ҳимоячиларининг волидалари ҳақида сўз кетганда, бу фидойи жонларнинг сабру қаноати, тоғдек саботига таъриф бериш мушкул. Мен бу мўътабар оналарни – бедор тунлар бекаси, улуғ шараф эгаси, дегим келади.

Зулфия ЮНУСОВА,
журналист





МЕНИ ОШИҚ ҚИЛДИНГ, ИНСОН АЙЛАДИНГ...

**ШОИР, ТАРЖИМОН МУҲИДДИН
ОМОННИНГ “КҮНГИЛ
ДАРБОЗАСИ”, “ТОЛЕ ФАСЛИ”,
“МУНАВВАР СОФИНЧ”,
“ЎРТАМИЗДА ИШҚНИНГ ГУЛХАНИ”
КАБИ ШЕЪРИЙ КИТОБЛАРИ
ВА БИР ҚАТОР ЖАҲОН
АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИДАН
ТАРЖИМАЛАРИ ЧОП ЭТИЛГАН.**

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Ҳаёт деганлари – долвали уммон
Даҳшатли тўлқинлар мисоли қоя.
Бундан ваҳимага тушмагай инсон,
Ёнида чин дўстлар бўлса кифоя!

Бу – ҳаёт баъзида овчидир – айёр,
Содда ва гўлларга қўяр қопқонлар.
Ундан омон чиқар, содиқ жоннисор,
Ҳаётда чин дўстин топа олганлар!

Умр сўқмоқлари мураккаб, чигал,
Гоҳи хато йўлга тушар қадамлар.
Ҳар қандай чигални қилажакдир ҳал,
Оқилу содиқ дўст топган одамлар!

Азалдан то абад шул ўғит такрор:
Дўст топсанг, содиқ бўл унга муқаррар.
Дунёда энг бахтсиз, варибу ночор,
Ҳаётдан дўст топмай ўтган одамлар!!!

Дўстлик, дўстлик нима, олий бир қудрат,
Шу қадар муқаддас илоҳий туйғу.
Уни англаб етмоқ ўзи зўр ҳикмат,
Дўстлик – дилдаги нур, абадий мангу.

Сени шамс дейинми, атайми ҳилол,
Тақдирим тоқида порладинг ногоҳ.
Боладек бевубор сўзларинг зилол,
Сен боис баҳордек қулди тийрамоҳ.

Бир нигоҳинг ила ҳиссиз танамни,
Оташин туйғулар комига элтдинг.
Мен каби нотавон, вариб одамни
Навқирон ошиқлик шонига элтдинг.

Ҳолбуки, заъфарон хазонлар тўшаб,
Сокин куз чорлаган эди узлатга.
Қон тўла юрагим қадаҳдек бўшаб,
Алвидо айтганди ишқ-муҳаббатга.

Не тонг, Яратганим қилиб иноят,
Сенинг дийдорингни айламиш разо.
Оҳларим самога етмиш ниҳоят,
Аламли армонлар топмиш интиҳо.

Сен каби парирўй, бир қалби тоза,
Санамни ҳар саҳар Худодан сўрдим.
Дили пок, феъли пок, бахтга андоза,
Фаришта нигоҳин мен Сенда кўрдим.

Сен боис унутдим армон захмини,
Тахир кўз ёшларим зардобини ҳам.
Вужудим ҳис қилди ишқнинг сеҳрини,
Такрор ярлақади Сарвари олам.

Бахтлиман, бахтлиман, дилимда шуқу,
Шуқру саноларим қилади парвоз.
Сени мени самога чорлагувчи руҳ,
Қанот бўл, нажот бўл, суюкли хамроз.

Қанча қуюқ бўлса туннинг ридоси
Шунча ёрқин экан Ойнинг жилоси.
Қаҳратон қаҳрини этмаса гар фош,
Тансиқ бўлармиди оламга Қуёш?!

...Мени хафа қилган, чалган инсонлар,
Сизга ҳам тилайман Мен бахтли онлар.
Агар ҳасадингиз захрин тотмасам,
Тотли туйилмасди бу издиҳомлар?!

Сиз ахир, қалбимга тўлдириб гамни,
Менга дўст қилдингиз соҳир қаламни.
Рўбарў этганча адоват ўчин,
Чархладингиз менда вурурнинг кучин.

Сиз боис мен мисли дарёдай тошдим,
Сиз тўсиқ кўйдингиз, мен эса ошдим!
Мени осмоқ учун эшиб арғамчи,
Илҳом тулпорига урдингиз қамчи.

Бошимга отилган ҳар маломат тош,
Қалбимда тиклади матонат, бардош.
Оқибат – ўзингиз разолатга банд,
Тубанлаб кетдингиз, мен-чи сарбаланд.

Юрагим қалқиган шу масъуд дамда,
Барча туйғуларга рағбат зиммамда.
Эй, содиқ дўстлардан айирган ўлим,
Сен боис ҳаётнинг қадрини билдим.

Ноҳақдан тўкилган ашқи нобим ҳам,
Андуҳим, қадарим, изтиробим ҳам,
Ҳатто зор йиғлатган илк муҳаббатим,
Сенга-да, ташаккур, бисёр хурматим.

Гарчи дилим тирнаб, нолон айладинг,
Мени ошиқ қилдинг, инсон айладинг.
Шеърим яхшиларга ёқмаса, маъзур,
Мен ёмон одамга айтдим, ташаккур..

Ҳолбуки, ёмонлар ҳеч яхши бўлмас,
Лек ёмон кўрмаган – яхшини билмас...
Орада ёмон ҳам оралаб юрсин,
Яхшини ёмондан саралаб юрсин...

Қанча қуюқ бўлса туннинг ридоси
Шунча ёрқинроқдир Ойнинг жилоси.



ОНА ЮРТИНГ ЖОНИНГГА ПАЙВАСТ

ҚИШ

Булут сочар замин бошига,
Гулларини, пардаин майин.
Укпарлари келиб қошига,
Шамол қувнаб ўйнар тинмайин.
Музлаб қолган узайган сўқмоқ,
Совқотганча,
Кириб кетар бовнинг пинжиги.
Хув, баландда оймома – ўроқ,
Ҳавасланар бовнинг тинчига.
Пояндозлар солинган йўлак
Кетаверар,
Бошгинаси оққан томонга.
Дарахтларнинг
Энгига қиш,
Кийдирибди нафис оқ кўйлак.
Ниҳоллар,
Тўп бўлишиб бовнинг баврида
Маталлар
Айтишади то тонгга довур.
Бир-биридан сўрашади ҳол,
Қалбларида муҳаббат – ҳовур.
Қиш жамолин томоша қилар,
Анҳордаги музлаган сувда.
Совуқ кўнглин сумалак билар,
Осилишган, ана, тарновда.
Кўёш чиқиб фалакдан маърур,
Кўк аршидан боқар заминга.
Кўзёш тўқар сумалак қурвур,
Энди дардин айтади кимга?
Кетиб қолар олисга совуқ,
Оёқларин бир-бир босганча.
Хув, йироқдан келади баҳор,
Қучоғини катта очганча.

Сув юзида оймома ўйнар,
Кўриб,
Жилмаяди юртим даласи.
Ҳаётимнинг баврида қувнар,
Ўсмирликнинг дилбар палласи.

Дилгинамда ҳислар нўртана,
Тўлқинимда оқизай, дейди.
Атрофимда кундуз парвона,
Бугун қалбим қувончни кийди.

Булутжонга солиб аргимчоқ,
Самоларга учгим келади.
Дилда ҳислар тинмас – оқизоқ,
Оймомани қучгим келади.

Лаҳзаларнинг тутиб кўлидан,
Аҳволини сўрагим келар.
Ер шарининг чиқиб йўлидан,
Бошига
Рўмолимни ўрагим келар.



ОЙГУЛ УБАЙДУЛЛА ҚИЗИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИНИ
ТУГАТГАН. УНИНГ “ШОҲСУВОР”,
“ЁЛФИЗЛИК ГУЛИ” ШЕЪРИЙ
ТЎПЛАМЛАРИ ЧОП ЭТИЛГАН.

ДЕРАЗА – КЎЗОЙНАГИДАН

Ҳалқа йўлда мошинлар қатор,
Тиним билмай чопгани чопган.
Қаршимдаги ўрик дарахти
Сарик
Кўйлагини қайга йўқотган?
Ит етаклаб юрибди кампир,
Қор кўпчиган оппоқ йўлакда.
Ниҳоллар,
Бов – онасин кўйнида ҳануз,
Изиллашар юққа кўйлакда.
Совуқдан хўп безиллар дарахт
Деразадан
Ичкарига киргиси келар.
Совуқдан нолиб
Куйлаётган анови чумчуқ
Қарайди:
Уйда не гап билгиси келар.
Эртадан кечгача,
Тиним билмай одам ташиган
Автобуснинг
Овримасми бели, оёғи?
“Синиб қолар қачон?” Уйлайди,
Ниҳоллар,
“Қаҳратоннинг совуқ ўрови”.
Йўлидан ургиси келаверади,
Музмалак
Қизнинг
Этик қучган оёқларини.
Совуқ
Тегишлиб кўймас,
Чимчилаб қочади қулоқларини.
Ҳайрат-ла
Боқишади қишнинг ҳуснига
Иссиқ ҳислар дил ойнагидан.
Уй суради
Уй
Атрофга боқиб,
Дераза – кўзойнагидан.

АСКАР ОНАСИНИНГ МАКТУБИ

Омонмисан, болажонгинам,
Саломатми жўраю дўстинг.
Тилаб менга сабр ва чидам,
Дебсан хатда: “Онажон, кўтинг”.
Дебсан яна: “Олманг хавотир,
Ўзингизни асранг, Онажон!”
Нетай, болам, онаман, ахир,
Бўлгин дейман, доимо омон.
Ловуллайди аланга мисол,
Дилгинангда Ватан севгиси.
Ёлгон айтма, онамагин малол,
Алдамайди она севгиси.
Чегарада тур доим сергак,
Кўзларингни уйку элтмасин.
Полвон болам, сен менга керак,
Ҳаним бехос тошин отмасин.
Тинчлик, совлиқ – Аллоҳ эҳсони,
Асра, болам, буюк неъматни.
Доим сенга тиларман, алҳол,
Боболардан мерос қудратни.
Муҳаббатим бўлсин қўлдошинг,
Меҳрим танга куч бўлиб энсин.
Олдирмагин овзингдан ошинг,
Дилгинамда хавотир тинсин.
Болам, бугун, англадинг, сездинг,
Она юртинг жонингга пайваст
Оқ сутимга розиман, болам,
Тинчлик тувин кўтаролдинг даст.
Ўз бурчингни астойдил ўта,
Ёрув бўлсин сенла юзимиз.
Келишингни кўп интиқ кутиб,
Тўрт бўлмоқда, болам, кўзимиз.

Чак, моқ, каби Чак, наган УМРЛАР...



онанг эса бадавлатроқ оиладан эди. Улар бир-бирларини ёқтиришиб, девордан чарос узумини узатиб, муҳаббат изҳор қилганлар...”

Сорахоним эса Наманганнинг Янгиқўрғон қишлоғида боғбон оиласида туғилиб вояга етган. Тирикчилик ваядан Тошкентга кўчиб келишгандан сўнг ёш Сора қизлар интернатида ўқий бошлади. Тақдирни қарангки, Аброр Ҳидояттов театр раҳбари Маннон Уйғур билан ушбу мактабда саҳнага қўйилган “Етимча” спектаклини кўрадилар. Бош ролни Сора исмли қиз ижро этарди, таланти қиз улугъ санъаткорлар назарига тушади. Унинг ижросидан таъсирланган Маннон оға кўзига ёш олади. Ўша кезларда театр жамоаси Москвадаги Вахтангов театри қошида очиладиган ўзбек театр студиясига ўқишга юбориш учун халқ орасидан истеъдодларни излашарди. Сора Эшонтўраева бахти кулиб ўқишга йўлланма олди.

1924 йили Маннон Уйғур ва шоир Чўлпон бошчилигида бир неча йигит-қизлар Москвага йўл олдилар. Талабалар мазкур студияда ўша вақтдаги таниқли рус артистларидан таълим олиб, уч йил давомида санъатнинг турли соҳаларига доир билимларни ўзлаштирдилар. Улар кеч-қурунлари Москвадаги катта театрларга бориб турли спектаклларни кўришар, М.А.Чехов ижро этган Ҳамлет, А.А.Остужев ижросидаги Отелло роли талқинларидан ёш кўнгиллари ҳавасга тўларди...

Аброр ака ёш ва гўзал Сора билан бир курсда таълим олаётганидан мамнун бўлса-да, суҳбатлашиш йўлини тополмасди. Шунда акаси Аҳрор Тошкентдан бир пақир чарос узуми олиб келади. Сорани узумхўрликка таклиф этишади. Бахтни қарангки, Сора ҳам чарос узумини ниҳоятда хуш кўраркан. Аброр акага узум баҳона-ю, дийдор ганимат бўлиб қолди. Икки буюк санъаткор ўртасида муҳаббат ана шундай бошланган эди.

Уларнинг тўйи тўйбоши Маннон Уйғур, Шариф Қаюмов ташкилотчилигида Самарқандда бўлиб ўтган. Дабдабасиз-у, ниҳоятда қизиқарли ўйин-кулгига бой бўлган бу тантанага жуда кўп меҳмонлар ташриф буюрган. Тонгга қадар куй-кўшиқ, “ёр-ёр”лар таралиб турган...

Бу икки санъаткорнинг бахтли турмушидан икки ўғил дунёга келди. Кейинчалик Аброр Ҳидояттов ва Сора Эшонтўраеваларнинг саҳнада ижро этган роллари элимизга машҳур бўла бошлайди. Сорахоним яратган “Портфелли киши” асаридаги Гога, Аброр ака ижросидаги “Тарих тилга кирди” пьесасидаги Темур образи томошабинлар эътирофига сазовар бўлган эди. Бу икки санъаткор ўз фарзандлари исмини Гога ва Темур деб атаганлари ҳам шундан. Аброр ака Сорахоним билан ўзини бахтли хис қилар, ўз навбатида у ҳам худди шундай буюк актёр-

Миллий маданиятимиз хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк актёр Аброр Ҳидояттов бетакрор ижролари билан ўзбек халқини юксакларга кўтара олган санъаткордир. У ўзининг қисқа, лекин мазмундор умри давомида шундай оламшумул образларни яратдики, дунёнинг машҳур кишилари ҳам унинг чексиз иқтидорига тан беришган эди. Аброр Ҳидояттовнинг умр йўлдоши Сорахоним Эшонтўраева миллий ўзбек театрининг шаклланиши ва мукаммаллашувида катта ижодий ишларни амалга оширган юксак талант соҳиби эди.

Дунё тасодифларга тўла деймиз-у, аслида бу икки санъаткорнинг бир-бири билан ҳаёт қуришлари, жўшқин ижод қилишлари тақдири азалнинг сирли тухфасига ўхшайди. Аброр Ҳидояттов Тошкентнинг Дегрез маҳалласи (ҳозирги Миллий театр ва цирк биноси оралиғида) Раҳматилла уста оиласида дунёга келган. Унинг отаси иморат устаси бўлиб, Аброрни доим ёнида олиб юрар, санъатга ишқибоз бўлганидан ўғлининг қўлига ўзи ясаган оддий бир дуторга ўхшаган асбобни бериб, маҳалла чойхонасида ашула айттиришни ва уйдан олиб чиққан бир патнис чарос узумини ўртага қўйиб, ошна-оғайнилари билан гурунг қилишни ёқтирарди. Уларнинг ҳовлиси кичик бўлса ҳам, ниҳоятда бежирим, кўркли ва файзли хонадон эди. Айниқса, пишиқчилик пайтида ҳовлини тўлдириб турган чарос узумларни кўрган одамнинг ҳаваси келарди.

Кўпинча Аброр отаси ясаб берган дутор шаклидаги мунгли овоз чиқарадиган созни чалиб, отасининг дўстларига ўзбек мақомларидан хиргойи қилиб берарди. Энди фақат узум эмас, балки ашулачи Аброрни ҳам сўраб келадиган бўлишди. Ўтиришлардан бирида каттароқ ёшдаги киши унга шундай деб қолди: “Отанг билан онанг бир девор қўшни бўлиб яшашар эди. Фақат отанг камбағал,

нинг рафикаси бўлганидан гурурланиб юрарди. Тўғриси-ни айтганда, икки санъаткор бир ёстиққа бош қўйиб, ижодий изланишларда ҳам доим бирга бўлсалар, уларнинг имкониятлари бошқа санъаткорлардан афзалроқ бўлиши табиий эди.

Гога Ҳидоятонинг (у тарихчи олим бўлди) айтишига кўра, ота-онаси уларнинг, аввало, соғлом ўсишига ва дарс тайёрлашларига алоҳида эътибор беришган. Аброр Ҳидоятон эса ўзи жисмонан кучли инсон бўлгани учунми, фарзандларини ҳам шундай тарбиялашга интилар, улар билан турли машқлар ўтказарди.

Самарқанддаги театр маркази Тошкентга кўчиб келди. Ҳамза номидаги драма театри жамоаси 1934 йилга келиб “Ҳамлет” фожиасини сахналаштиришга киришади. Спектаклдаги бош ролларни Аброр ака билан Сора опалар ижро этишга тайёрланар эдилар.

Бу пайтда улар Ҳамза театри ёнида Аброр ака туғилиб ўсган Дегрез маҳалласида истиқомат қилишарди. У замонларда хонадонларда электр чироғи бўлмаганлиги туфайли баъзан ёғ пиликнинг ёруғида овқатланишар, суҳбатлар ўтказишарди. Маҳалла гузаригади дўкон тепасида

га ёрдамлашар ва бўш турган ўриндиққа ўтирсин учун мулозамат кўрсатарди. Аброр ака Сора опани ҳаммадан қизганар ва ҳаммаша ўзи ёнида бўлишга ҳаракат қиларди. Албатта, таниқли одамларга ҳамма қизиқсиниб боқарди. Актёрга бу ҳолат ёқмасди. Наздида, улар рафикасига кўп қарашаётгандек бўлаверарди...

Сора опанинг тақимига тушадиган майда ўрилган сочи унинг хуснига хусн қўшарди. У ниҳоятда бежирим ва тўқис аёл бўлганлиги туфайли сахнада ҳам, ҳаётда ҳам одамларни ўзига жалб эта олар, кўзлари худди чаросдек чақнаб турарди. Аброр ака эса ўрта бўйли, кенг елкали, кўзлари ниҳоятда катта-катта, маънодор, жингалак сочили хуштабиат, хушсурат инсон эди.

...Гастроль тугаб, энди Тошкентга кетамиз деб турганимизда катта Фарғона канали қазиладиган бўлдию, биз ҳам ўша ёққа йўл олдик. Сафаримиз Учкўрғондан бошланди. Атрофда биронта дароҳт кўринмас, ҳаммаёқ дашти биёбон. Ўзимиз палаталар тикиб, яшашимизга тўғри келди. Сорахоним билан Аброр акага алоҳида палатка берилиб, улардан мен тез-тез хабар олиб турардим. Сора опа иссиққа чидай олмаганидан юз-кўлини тинмай совуқ сув билан юварди. “Зелений мост”да чивин кўплигидан ухлай

олмасдик. Эрталаб Аброр ака мен билан Андижонга тушиб чиқасан, деди. Машина бўлмаганидан пиёда йўлга тушдик. Бозордан пашшахона харид қилдигу, дарҳол изимизга қайтдик. Билсам, у Сора опа учун экан.

Сахнада севишганлар ролини ижро этиш учун турмушдаги муҳаббатнинг жўш уриб туриши кони фойда экан. Сахнада ҳам улар ижро этган ролларда шундай жумлалар бўлар эдики, гўё шу сўзларни ўзлари бир-бирларига сўйлаётгандай, ижродаги жозиба ортарди. Мен уларнинг муҳаббати



**АБРОР ҲИДОЯТОВ
ТЕАТР РАҲБАРИ МАН-
НОН УЙҒУР БИЛАН
УШБУ МАКТАБДА
САҲНАГА ҚЎЙИЛГАН
“ЕТИМЧА” СПЕКТАК-
ЛИНИ КЎРАДИЛАР.
БОШ РОЛНИ СОРА
ИСМЛИ ҚИЗ ИЖРО
ЭТАРДИ, ТАЛАНТЛИ
ҚИЗ УЛУҒ САНЪАТ-
КОРЛАР НАЗАРИГА
ТУШАДИ.**

электр чироғи бўлганлиги туфайли ўз ролларини ўша ерга чиқиб тайёрлашарди. Симёғоч тагидаги чироқ нурида ҳатто тонг отгунча репетиция қилишган кунлари ҳам бўлган. Шундай меҳнатлар эвазига яралган “Ҳамлет” томошабинларнинг тўхтовсиз ташрифи, талаби туфайли ақин бир ой ҳар оқшом тинимсиз сахнага қўйилганлиги спектакль муваффақиятли чиққанлигидан далолат беради, албатта. Аброр ака ниҳоятда чарчаб кетган кезлари дуторини қўлга олиб, ўзи билган ашулалардан хиргойи қилар эди. У шоиртабиат эканлигидан баъзан Сорахонимга атаб шеърлар ҳам тўқиган.

Аброр Ҳидоятон бир куни кўнглига тугиб юрган катта бир мавзуни пьеса қилиб ёзишини Сорахонимга айтади. Сорахоним эса ёзишга ундайди. Пьеса жамоага ўқиб эшиттирилган куни у асар Сора билан менинг муҳаббатимдан туғилди, деган эди. Улар бу мавзуни бирга қоғозга туширганлар. “Аваз” деб номланган бу асардаги Чарос ролини Сора опа ижро этган. Бош қахрамон Авазни Аброр ака ўйнамоқчи эди. Фофир ва Отелло ролларига тайёргарлик билан бандлиги бу истак ижобатига монелик қилди. У деярли ҳар куни спектаклни томошабинлар билан бирга томоша қилар, сўнгра Сорахоним билан Чорсуга трамвай бекатига йўл оларди. Трамвайга чиқишда аёли-



ижодларида илҳом париси бўлганлигини бу каби кўп-лаб роллар томошасида ҳис қилганман. Албатта, санъаткор сахнада ўзга қиёфага киради ва шунга ўзини руҳан тайёрлайди. Аммо улардаги табиий севги ролга янада жозиба қўшган деб ўйлайман. Отелло жанг ғалабасидан кириб келар экан, вафодор ёри Дездемонага отилади. Улар узоқ муддат жим бўлиб қоладилар. Бу жимликда икки актёрнинг муҳаббат нафаси сезилиб туради. Айниқса, охирги пардада Отелло томонидан Дездемонани бўғиш пайтида актёрнинг ҳаракати... Пьеса бўйича шундай. Аммо ижрочи учун у Сора-ку! Аброр акага осон деб ўйлайсизми? У шунда доим терлаб-пишиб кетар, Отелло билан Аброр ўртасидаги кураш ҳам авжга чиққандай бўларди.

Аброр Ҳидоятнинг Сорахонимга бўлган муҳаббати сахнадаги изҳорларга уйғун бўлиб тушгандай эди. Ўз эҳтиросларини ниҳоятда ролга сингдиргани қахрамон ва шахс муҳаббати қўшилганиданми ё инсон туйғуларининг энг чўққиларини санъатда акс эттирилганиданми ёхуд бошқа ҳаётий сабаблар туфайлими, ҳарқалай унинг саломатлигига булар таъсир кўрсатмай қўймасди. Вильям Шекспир ана шундай эҳтирослар чўққисидан Отеллонинг руҳий касаллигини акс эттириши ҳам бежиз бўлмас керак. Энг юқори даражадаги фожиавий асарларни ҳаётий ярата олган Шекспир Отелло образидagi ўта инсоний руҳий азоблар акс этганида унинг бехос ҳушидан кетишини ишонарли кўрсата олган. Фожиавий роллар устаси Аброр Ҳидояттов эса бу ролни шундай ҳаётий тарзда акс эттира олганидан спектакль вақтидаги қахрамони Отеллонинг йиқилиши шахсий хасталиги билан боғлиқлигини кўриб ҳайратланганман. Одатда,

Отелло ҳаяжонларнинг энг чўққисидан йиқилар ва бироз вақт ўтиши билан яна ўрнидан туриб, воқеани давом эттирар эди. Бу ҳақда шу асардаги Яго (унинг ашаддий душмани): “Генералимизнинг қуёнчиги тутди, ҳозир ўзига келади”, дейиши ҳам бежиз эмас.

**ОХИРГИ ПАРДАДА
ОТЕЛЛО ТОМОНИДАН
ДЕЗДЕМОНАНИ
БЎҒИШ ПАЙТИДА
АКТЁРНИНГ
ҲАРАКАТИ... ПЬЕСА
БЎЙИЧА ШУНДАЙ.
АММО ИЖРОЧИ УЧУН
У СОРА-КУ! АБРОР
АКАГА ОСОН ДЕБ
ЎЙЛАЙСИЗМИ?**



Аммо бир гал Отеллонинг ижрочисидан касаллик бироз чўзилди-ю, ҳадеганда ўрнидан турмади. Бироз қутилгач, парда бекилди. Ва дарҳол Сора опа етиб келиб, Аброр аканинг касаллиги хуруж қилганини айтди ва одатдагидай Аброр аканинг бармоқларини ёзиб қўлини силай бошлашди, бироздан сўнг Отелло ижрочиси ўзига келиб, кўзини очди. Хижолат бўлди, шекилли, оҳиста жилмайиб аста ўрнидан турди ва парда очилишини, воқеани давом эттиришни сўради.

Аброр Ҳидояттов бу фожиавий ролни 500 марта ижро этганлигини нишонлаб, театр санъатидаги анъанага кўра бенифис ўтказилди. Спектаклнинг қоқ ўртасида парда очилиб, 500 марта қўйилиши деб эълон қилинганда мухлислар ўрнидан туриб олқишлаганлари ҳамон ёдимда. Шунда машҳур раққоса Мукаррама Турғунбоева бир кучоқ атиргулни Аброр Ҳидояттов пойига ташлаган эди...

Фарзанди Темурнинг айтишича, бундай ҳаяжонли кечаларда у туни билан ухлამас ва кўпроқ ҳовлини айланиб дам олар экан. Маълумки, ўша вақтдаги санъатимизнинг жонкуяр раҳбарлари бу иккала буюк актёрлар учун катта ҳовлини иморат қурилишига бош бўлишгани, ҳатто у иморатда сахна ҳам бўлганлиги халқимизнинг ўз севимли санъаткорларига муҳаббатининг рамзи деса бўлар эди. Айниқса, ҳовлидаги мевали дарахтлар, ҳовузлар, шаршарали сувлар, қатор экилган тоқлар икки санъаткорнинг баҳридилини очиб, ижодига илҳом берганлиги, шубҳасиз. Аброр ака ишқомларда ўзи севган чаросларни алоҳида парвариш қиларди. Эрта билан патнисни чаросга тўлди-

риб, оилавий нонушта дастурхонига қўяр эди... Ана шундай тонглارнинг бирида у киши узум тагида тўсатдан йиқилади ва ҳаётдан кўз юмади...

Жаҳон мумтоз адабиётининг шоҳ асарларидан бўлган “Гамлет”, “Отелло”, “Қирол Лир” драмаларида бош қахрамонлар образларини меъёрига етказиб ижро этган, ўзбек драматурглари спектакларида Жамила, Гули бўлиб санъатсеварлар дилини ром этган Сорахоним Эшонтўраева 1998 йил 86 ёшда вафот этади. Мустақиллик даврида ҳақли равиш-

да “Буюк хизматлари учун” орденига муносиб кўрилган бу актриса вафодор ёр, меҳрибон она, севимли устоз, бетакрор санъаткор сифатида халқимиз хотирасида абадий яшайди...

Ҳар сафар биз санъаткорлар бу икки буюк инсоннинг қабрига бориб гулчамбар қўяр эканмиз, улуғ устоз қабрига ёзиб қўйилган шоир Мақсуд Шайхзоданинг ушбу мисраларига кўзимиз тушади:

*Бу ерда ухлаган буюк санъаткор,
Дилларга бахш этди мардликни ҳар он.
Бу йўлдан ўтганда сен таъзим ила
Ўлмас сиймосига салом бер, инсон.*

**Ўзбекистон халқ артисти
Зикир МУҲАММАДЖОНОВНИНГ
“Қалбдаги ўчмас излар”
китоби материаллари асосида тайёрланди.**

ОТАСИНИ КЎРИБ, ЎҒЛИНИ **КУЁВ** ҚИЛ

Афсуски, бугун атрофимизда: “Ўғил отасига қўл кўтарибди. Ота ва ўғли ўртасидаги муносабатлар ёмонлашибди. Фарзанди ҳеч қандай насиҳатларга қулоқ солмай қўйибди. Отаси вафотидан сўнг ўғиллари мерос талашиб, судлашишгача борибди”, каби бағрикенг ва меҳрибон халқимизга ярашмайдиган, оила аталмиш муқаддас кўрғоннинг обрўсига путур етказадиган ҳолатлар кузатилиб турибди. Бу каби яхшиликка ярамайдиган, фақат ёмонликларга етаклайдиган иллатлар илди-зи ҳақида ёши тўқсонга яқинлашган бувижонимдан сўраганимда, улар қўйидаги фикрларни айтган эди. “Уйда отанинг ўз ўрни, мавқеи, кези келганда қаттиққўл-лиги бўлмаса, бу хонадонда улғайган фарзандларнинг тарбиясига яхши баҳо бериб бўлмайди. Фарзанднинг андозаси ота-онасидир”.

ТАРБИЯ КЎЗГУСИ

Бувимнинг гапларидан англаганим шу бўлдики, ҳар бир фарзанд оиласи – олтин остонаси учун тарбия КЎЗГУСИ ҳисобланади. Четдан кузатганлар болага қараб, оиласининг қандай эканлигини, маданияти ҳамда аҳиллиги қай даражадалигини тушунади, хулоса чиқаради. Ота ўз номи билан хонадоннинг боши, ибрат намунаси, ор-номуси бўлса, фарзанд ана шу кўрғоннинг келажаги, эртанги кунидир. Сўнги вақтларда баъзи тенгдошлар орасида йигитлик мақомига тўғри келмайдиган ишларнинг кузатилаётгани ҳам улар улғайган оилаларда тўғри тарбия берилмаганидан деб биламан. Айти дамда ўша йигитларнинг ўз қалб кучига ишонмай, пичоқ, бошқа тигли мосламаларга суяниб қолиши, муҳаббат аталмиш буюк саодатни эрмакка айлантириши, ота-онасининг гапига қулоқ солиш ўрнига, “уф” дея жавоб бериши, ҳаёт мактабида ҳеч қандай натижага эришмасдан туриб, такаббурлик отига миниши, ўзларича кўп қизлар билан гаплашиш ва уларни алдашни мардлик деб билиши каби номардликларнинг барига тарбия кўзгусининг хира экани ҳамда вақтида тозаланмагани сабабдир.

ОТА ИБРАТИ...

Маҳалламизда ибратли оилалар жуда кўп. Улар орасида бизнинг кўчамизда яшайдиган Хусанжон ака ва Меҳринисо опаларни алоҳида таъкидлаб айтгим келади. Яқинда улар Германияда ўқиб келган ўғиллари Улуғбек акани уйлантиришди. Европада таҳсил олса-да, ўзбекча одатларимизга риоя қилиши, она тилимизга бўлган ҳурматини сақлаган Улуғбек акадан ёзаётган мавзуйим борасида фикр сўраганимда:

– Отам бизни ортиқча эркатлатмаган бўлса ҳам, бекам қилиб ўстирганлар. Ҳеч қачон бировнинг қўлига қараб сарғаймаганмиз. Шунинг учун юрагимиз бақувват, ориятли бўлиб ўсганмиз. Йигит киши учун бу фазилатлар нону сувдай зарур. Ҳозиргача эришганларимиз, жамиятдаги ўрнимиз учун ота-онамиздан миннатдоримиз, – деди.

Хусанжон акадан ота ва ўғил ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўрадим.

– Отам раҳматли билан суҳбат қурганимизда юзига тик қарай олмасдим. Улар бизни уриб-сўқиб тарбия қилмаганлар, фақат ўзига хос салобатлари, сирлари бор эди. Бизга айтадиган яхши-ёмон гапларини онамиз орқали етказардилар. Менимча, ота-ўғил ўртасида она кўприк бўлса, уларнинг муносабатлари ўртасидаги парда кўтарилмайди. Ахир, қир тоққа қараб бақира олмайди-ку, салобатидан ҳайиқади, – деди Хусанжон ака.



ОНАЛАР – КЎПРИК...

Отаси биров қаттиқ гапиргудек бўлса, ҳали ёш-ку, дея онаси тарафини оладиган фарзанд, албатта, эрка ва насиҳат ёқмайдиган бўлиб ўсади. Меҳрнинг ортиги бўлмайди, лекин ҳаддан зиёди кўплик қилади. Яқинда қайсидир маҳаллада бир воқеа юз берди. Ота ўз фарзандига берган маслаҳатига қулоқ солмагани учун бир шاپалоқ урганига онаси фарзандимни отаси тинч қўймади, ахир, катта бўлиб қолдику деб, маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилибди. Тўғри, қўл кўтариш орқали тарбия бериб бўлмас, аммо бу вазиятда онанинг қилаётган иши ўринлимикан? Шукрки, бундай муносабатли оилалар сони кам. Бироқ она этагининг орқасига яширинган, отанинг қаттиққўллик билан қилган тарбиясини олмаган йигит оила корига ҳам, юрт корига ҳам ярамайди.

Қарс икки қўлдан чиққани каби ота тарбия бериб, фарзанд қулоқ солмаса, ўғил тушунадиган бўлиб, отаси эътиборсиз бўлса, улар орасидаги меҳр риштаси юпқа тортиб бораверади. Математика фани устозимиз Камолитдин ака Исмоилов дарсларни жуда қизиқарли ўтади. Кўпинча Жомий ҳазратларининг бир байтини такрорлайди:

*Қулоқдан дилиннга гар кирмаса нур,
Сичқон қавагидан не фарқи бўлур...*

Чиндан ҳам оиласида ҳикмат эшитмаган, тарбияни кўчадан излаган ўғилнинг келажаги нурли бўлмайди. Шу ўринда, ота аталмиш ўрناق бўлгучи зот фақат моддий таъминотни ўйлаш билан чекланиб қолса, нафақат келажак, балки бугуни ҳам мазмунсиз ўтади.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ЯХШИ МАҚТОВ

Ҳақиқий отаўғли, деган иборани эшитгансиз. Агар эшитмаган бўлсангиз, эшитишга ҳаракат қилишингиз керак. Шундай фарзанднинг отаси, деган мақтов эса кейин келади. Бу кўпроқ бизнинг ҳаракатимизга, бизнинг қилаётган ишларимизга боғлиқ.

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги
15-сонли мактабнинг ўқувчиси.**

ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА

УНУТИЛМАЙДИ

ТОШКЕНТДАГИ “ФАРФОНА ЙЎЛИ” ОРҚАЛИ ҚЎЙЛИҚ-ҚА БОРИБ, ЎНГА БУРИЛСАНГИЗ РАВОН АСФАЛТ ЙЎЛ СИЗНИ ХОНОБОД ҚИШЛОҒИГА ОЛИБ БОРАДИ. БУНДАН ЕТМИШ-САКСОН ЙИЛ АВВАЛ ХОНОБОД “БИР СИҚИМГИНА” АҲОЛИСИ БЎЛГАН КИЧИК ҚИШЛОҚ ЭДИ. 40-ЙИЛЛАРДА ЕТТИ ЙИЛЛИК МАКТАБИ БЎЛАРДИ, УНДА 100 НАФАРГА ЯҚИН ЎҚУВЧИ ЎҚИРДИ. ҚИШЛОҚДАГИ ОДАМЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИР-БИРИНИ ТАНИР ЭДИ.



Зулфия ая Зокирова

Болалигимда менга қишлоғимиз оддийгина, унинг ҳеч бир диққатга сазовор томони йўқдай туюлган. Ёшим улғайиб, университетни битириб, ёзувчилик касби сирларини озгина ўрганганимда билдимки, оддийгина кўринган кичкина Хонобод қишлоғи ҳаёти бутун мамлакатимиз ҳаёти билан уйқаш экан, мамлакатимиз ҳаётидаги воқеалар қишлоғимиз одамлари тақдирида у ёки бу даражада акс этган.

Бизнинг оиламиздан ҳам урушга икки акам Абдуназар ва Фулом акам кетишган. Урушгача Тошкент педтехникумини битириб, Тўрақўрғон туманидаги мактабда директор бўлиб ишлаган Абдуназар акам ҳарбий хизматга 1939 йилда кетган. Хизматни тугаллаб уйга қайтай деб турганда, уруш бошланган. У урушда офицер бўлган, миномёт взводига командирлик қилган.

Фронгда офицерларга берилган маошни акам ҳар ойда уйга жўнатар экан. 1944 йилнинг март ойида акамнинг маошини олиш учун тумандаги ҳарбий комиссариатга борган онамнинг қўлига пул ўрнига қорахат тутқазадилар. Бу мудҳиш хабар онамни не кўйга солгани ўзига ва Худога аён. Ҳали-ҳали эслайман. Урушдан кейинги йилларда онам билан бувим ҳовлимиздаги супада ўтириб, Абдуназар акамни эслаб йиғлашарди. Кейин яна ўзларига-ўзлари таскин беришарди:

– Қандоқ қиламиз энди, бу отинг ўчкур уруш бошимизга не кулфатлар солмади. Одамларнинг учталаб, тўртталаб, бешталаб ўғли қайтмади. Булар худога нима ёзган экан? Биздан биттаси қайтмади, худо бошимизга солган мусибатга чидаймиз-да, иложимиз қанча, – дердилар бувим.

– Ойи, бу Зулфия дугонангиз фил экан-а, – дерди оғим қайнонасига. – Беш акобирдай ўғлининг жудолигига чидаб, сабр-бардош қилиб юрибди. Ўтган ҳафта Назираникида сумалак қилганимизда беш ўғлига ёзган марсиясини ўқиб, бир айвон аёлни йиғлатди-я.

– Зулфия келин танлашда ҳам янглишмаган. Келинлари бир-биридан ақлли, бири-биридан меҳнаткаш. Болаларини гулдай қилиб боқиб, шовқинлари кўчага чиқмай ўтиришибди.

Ойимлар айтган Зулфия аянинг турмуш ўртоғи Холмат ака анча эрта вафот этган. Беш ўғил, бир қизни онанинг ёлғиз ўзи тарбиялаган. Уруш арафасида беш ўғлидан тўрттасини уйлантириб, уйлик-жойлик қилганди. Ота ҳовлида катта ўғли Мамажон Холматов қолганди. Шунда бирдан уруш бошланиб қолади. Мамажон 1941 йилнинг июлида урушга кетади, бир ойдан

сўнг укаси Аҳмаджон ҳам кетди. Кузга бориб Ваҳобжон билан Юсуфжонни ҳам фронтга кузатишди. Энг охирида, 1944 йилнинг март ойида Исоқжонни ҳам уруш ўз домига тортди.

Аҳмаджондан атиги битта хат келган. Унда: “Мактубни йўлдан ёзаяпман, ҳозирча менга хат ёзмамлар, биз Сталинград томонга кетаяпмиз. Етиб боргач, аниқ манзил билан яна хат ёзаман”, деган эди. Шундан кейин ундан дом-дарак бўлмади.

Аҳмаджоннинг биттау битта фарзанди Раҳимжон аканинг айтишича, онаси Ҳамрониса ўқимаган, содда, оққўн-гил аёл экан. Телевизорда уруш мавзусидаги фильм бўлса, ҳар қандай ишини йиғиштириб, охиригача кўрар экан. Ўғли бунинг сабабини суриштирганда: “Отанг кўриниб қолармикин дейман-да”, деркан. “Мен шунда бу кино-ку, унда артистлар ўйнайди, деб соддагина онамни ноумид қилгим келмасди”, – дейди Раҳимжон ака.

Зулфия опанинг ўғиллари Ваҳобжон ва Исоқжондан уруш тугагач, бедарак йўқолган, деган хабар олинган.

Юсуфжон 1943 йил ёзида Ленинградда ҳалок бўлган.

Мамажон тушган қисм икки ой Тўйтепа яқинида турди, йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлашди. Мамажоннинг аёли Ҳидоят эрини икки марта бориб кўрди. Биринчи гал ёлғиз ўзи борди.

– Нега ўғлим Турғунни олиб келмадинг, уни соғингандим-ку, – деди Мамажон.

– Қўлимдаги юк билан уни олиб келишга қийналаман, деб ўйладим. Ўғлингизни келаси гал олиб келарман, – деди Ҳидоят.

Ҳидоят эрининг олдида иккинчи бор борганида уч яшар ўғли Турғунни олиб борди. Ота ўғлини кучоқлаб, бағрига босар экан, хотинидан сўради:

– Нега боланинг оёғида пойабзал йўқ?

– Иложи бўлмади, сотиб олиб беришга қўлим калталиқ қилди.

Шунда Мамажон чўнтагидан пул чиқариб хотинига берди.

– Бу пулга ўғлимга этикча олиб бер, – деди. Аёл ўғлига этикча олиб беролмади.

Кўп ўтмай Мамажон хизмат қилган қисм урушга жўнаб кетиб, Москва мудофаасида қатнашди. Кейин Мамажон бошқа ерлардаги жангларда бўлди. 1942 йил баҳорида рафиқасига ёзган хатида “Онаси, нега Турғунга этик олиб бермадинг? У тушимга кирди. Лой кўчада кўлида этикча билан оёқяланг юрибди”, деб ёзди. Ҳидоят опа бу хатни ўқиб юм-юм йиғлади.

Зулфия опанинг ҳамма келинлари далада ишларди. Катта ҳовли “боғчахона” эди. Бу ерда опа набираларига энагалик қиларди.

Уруш ҳам тугади. Зулфия опанинг набиралари мактабга бора бошлашди. Ҳали ҳаёт изга тушмаганди. Қишлоқ мактабида аксарият куз пайтлари болаларни сафга тизиб: “Етимлар, уч қадам олдинга чиқсин”, дейишарди. Анчагина болалар, шу жумладан, Зулфия опанинг набиралари ҳам олдинга чиқарди.

Мактаб маъмурияти етим болалар эҳтиёжини олдиндан ўрганиб, биттадан кийим-бош беришарди. Бу етимларга ҳукумат берган ёрдам ҳисобланарди.

Очин-тўқин ҳаёт билан болалик ҳам ўтди. Набиралар ўнинчи синфни битиргач, турли соҳаларда меҳнат қила бошлашди. Турғун ака 1957 йилда ўрта мактабни битиргач, Тошкент аэропортида юкчи бўлиб ишлай бошладди. Бу ишда икки йилча ишлади. Бир куни бувиси уни ёнига ўтқазиб деди:

– Турғун болам, сенинг ота-буванг деҳқон бўлган, ризқ-насибасини ердан топиб еган. Сен ота касбингни қилмадинг. Майли, сени мажбурламаймиз, лекин ҳозирги ишинг менга ёқмаяпти. Йигит кишининг хунари бўлиши керак. Сен бир хунарга ўқигин.

– Қандай ўқийман, буви, ўқишга пул керак. Рўзгоримиз учма-уч бўлса...

– Сен ўқишга киргин, бир иложини қиламиз.

Турғун ака Эски шаҳарда очилган ҳайдовчиларнинг олти ойлик курсига кирди. У ҳар куни эрталаб ўқишга кетаётганда бувиси унинг кўлига бир сўм берарди. Шу пул йўлқира ва тушлик учун етарди. Онаизор офицер бўлиб ҳалок бўлган кенжа ўғли Юсуф учун 22 сўм нафақа оларди. Набирасига шу нафақасидан берарди.

Турғун ака бувисининг кўмагида касбли бўлиб олди. Уйга олиб келадиган маоши озгина кўпайди. Сиртдан ўқиб автомобиль йўллари институтини битирди. Катта автобазада аввал механик, кейин колонна бошлиғи бўлди. Бир неча йил касаба уюшмаси соҳасида ишлади. Лекин афсуски, у оёққа туриб олганида бувиси бандаликни бажо келтиргани эди.

Зулфия она қариб, ҳориб қолганида тунлари ухلامасдан ҳовлида юриб, урушда ҳалок бўлган беш ўғлининг азиз исмларини бирма-бир, қайта-қайта тинмасдан зикр қилар, уларни армон товушлари билан чорлаб чақирарди. Унинг юраги бутун борлиғи



Мамажон Холматов



рафиқаси Ҳидоят



Аҳмаджон Холматов



рафиқаси Ҳамрониса

билан соғинчга, фақат соғинчга тўлиб кетган эди. Зулфия она 1960 йил 24 майда 77 ёшида вафот этди. У суюкли ўғли Юсуфни уйлантирмаганига, ундан “тирноқ” қолмаганига афсусланади.

Жони узилишидан 3 кун аввал Турғун акани ёнига ўтқазиб шундай деди:

– Мен ҳамма келинларимдан, набираларимдан, сендан ҳам розиман, ўғлим. Энди уруш бўлмасин, икки дунёда ҳам хорлик кўрманглар. Вояга етиб топармон-тутармон бўлсанг, Юсуф акангинг қабрини қидириб топиб, бир ҳовуч тупроғидан менинг қабримга олиб келиб кўмарсан.

Турғун аканинг кўнгли юмшаб, бувисини кучоқлаб олди.

– Бу илтимосингизни чопонимни сотиб бўлса ҳам бажараман, бувижон, – деб йиғлаб ваъда берди.

Орадан ўн беш йил ўтиб, 1975 йилда Турғун ака рафиқаси билан Юсуф аканинг қабрини қидириб, Ленинградга борди. Юсуф ака танк экипажининг командири бўлганди. 1943 йилда Ленинград қамалини ёриб ўтиш учун бўлган жангларда оғир яраланиб, госпиталда вафот этганди. У Пискарев қабристонига дафн этилган экан. Исми-шарифи, туғилган ва ҳалок бўлган вақти ёзилган қабр тошини кўрганда, Турғун аканинг юраги тўкилиб кетди. Қабр ёнига беихтиёр чўқаркан, кўнгли бузилиб, кўзларидан шашқатор ёш оқди. Эр-хотин қабрга гулдаста кўйишди. Қуръон тиловат қилишди. Қайтишда қабр тупроғидан бир ҳовуч олиб қайтишди.

Уйга қайтгач, маҳаллада ош дамлаб, маҳалла мўйсафидларини, Юсуфжоннинг ўртоқларини чақириб, хайр-эҳсон қилишди. Сўнг қабрдан олиб келинган тупроқни қариндошлар билан Зулфия онанинг қабрига олиб бориб кўмишди.

Мамажон Холматовдан келган қорахат бир йўқолиб, сўнг топилган эди. Шу сабабли дастлаб Турғун ака отасининг қаерда вафот этганлигини билмасди. Қорахат уруш тугаши арафасида келган экан. Шу боис Турғун ака: “Отам Берлинда ҳалок бўлган бўлса керак”, дерди.

1970 йилда у сайёҳлик йўли билан Германияга борди. Берлинда уларни “Олшанский” қабристонига олиб боришди. Бу қабристон 20 гектарни эгаллаган бўлиб, унга Берлин учун бўлган жангда ҳалок бўлган жангчилар дафн этилган экан. Вақт зикроқ эди. Турғун ака бутун қабристонни қарийб югургилаб айланиб, отасининг қабрини қидирди. У ерда юзлаб “Холматовлар” ётибди, лекин улар орасида Холматов Мамажон йўқ эди.

Буни қарангки, кейинроқ йўқолган қорахат топилди. Мамажон Холматов 1945 йил 24 февралда Польшанинг Вембрандава туманида ҳалок бўлган экан. Турғун ака ўша ерга онаси билан бормоқчи бўлиб юрганида дардманд бўлиб қолди.

Мен Зулфия Зокирова ҳақидаги биринчи очеркимни бундан 31 йил аввал ёзганман. Бу пайтда Турғун ака ҳаёт эди. У билан кўп гаплашганман. У урушнинг бешафқат жабру жафосини кўрган, лекин метин иродаси букилмаган бувиси билан беҳад фахрланарди.


Турғун ака 2009 йил 19 ноябрда вафот этган. Жони узилишидан икки-уч кун аввал ўғиллари Дилшоджон ва Фарҳоджонни ёнига ўтқазиб: “Менинг куним битиб қолди. Мендан рози бўлинглар. Бандаликни бажо келтирсам, бувижонимнинг қабрига қўйинглар. Уларнинг ёнида ётишни истайман”, деди. Фарзандлари ота васиятини бажаришди.

1969 йилда Хонободдаги 25-мактабда Ғулом Имомназаров директор, Раҳимжон Ёқубжонов илмий бўлим мудирини бўлиб ишлашарди. Уларнинг иккиси ҳам уруш қатнашчилари эди. Баҳор кунларининг бирида мактабда ёшлар мажлиси бўлди. Бу мажлисда Раҳимжон Ёқубжонов сўзга чиқди. У ўқишдан бўш вақтларда ва ёз ойлари совхозда далачилик бригадаси тузиб ишлаш, бундан тушган маблағга эса мактаб ҳовлисида қишлоқдан урушга кетиб, қайтиб келмаганлар хотираси учун ёдгорлик ўрнатишни таклиф этди. Бу таклифни ҳамма қўллаб-қувватлади.

Обида қурилиши бошланганида эса мактаб маъмурияти қишлоқда уйма-уй юриб, урушда ҳалок бўлганларнинг рўйхатини тузишни мактаб ёшларининг ўзларига топширишди. Мактаб маъмурияти ёшлар ўз қишлоғи тарихини, ўтган беаёв урушда хонободликлар қандай қурбонлар берганлигини билиб қўйишлари учун шундай қилди.

Шунда ёшлар туну кун “ўлан” айтиб оқадиган Чирчиқ дарёси бўйида жойлашган, урушгача ҳар бири ўн-ўн беш хонадонли беш-олти маҳалладан иборат бўлган биргина Хонобод қишлоғидан 120 нафарга яқин йигит жангга кетиб, атиги ўттиз нафаригина қайтиб келганлигини, буларнинг ҳам ярми бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолганлигини билиб, қаттиқ таъсирланишди. Урушда ҳалок бўлганларнинг беш нафари Зулфия Зокированын ўғиллари экан. Беш ўғилдан биттаси ҳам қайтмагани, уларни туғиб, не-не орзумидлар билан вояга етказган илҳақ Онанингни изтироблари, дарду аламларини қай сўз билан таърифлаш мумкин?


1972 йил 9 майда мактаб ҳовлисида ўқитувчилар ва ўқувчилар саъйи ҳаракати билан бунёд этилган ёдгорликнинг очилишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққанлар орасида Зулфия Зокированын тўнгич набираси Турғун ака Муҳаммаджонов ҳам бор эди. У урушда ҳалок бўлган отасини, тўрт амакисини, беш ўғли дардида куйган, лекин қадди букилмаган, ўзининг метин иродаси билан қишлоқ одамларига таскин берган улуг бувисини эслади.



Ваҳоб Холматов



рафиқаси Роҳатой



Исоқжон Холматов



рафиқаси Лазокат



Юсуф Холматов

Оқшом одамлар тарқалиб кетганда мактаб ҳовлисида оқ шол рўмол ўраган, нуруний аёл кириб келди. У обидага аста яқинлашиб мрамар тахтага зарҳал ҳарфлар билан ёзилган фамилияларни кўздан кечири бошлади. Нигоҳи “Холматов” лар фамилиясига тушганида, беихтиёр тиззалари қалтираб ўтирган ҳолда кўзларидан шашқатор ёш оқди.

“Холматов Исоқжон, Холматов Аҳмаджон, Холматов Мамажон, Холматов Ваҳобжон, Холматов Юсуфжон” – мрамарга Зулфия онанинг беш ўғли фамилияси кетма-кет ёзилганди. Ҳозир ёдгорлик ёнида ўтириб, уларнинг азиз исмлари битилган ёзувларни силаб йиғлаётган аёл шу йигитларнинг яққаю ёлғиз синглиси эди.

Манзура опа ўша оқшом ёдгорлик ёнида ўтириб узоқ йиғлади. Доғи-ҳасратда ўтган муштипар онасини, ҳаётга тўймай, навқирон умри хазон бўлган акаларини кўз олдида келтирди.

Мен Зулфия Зокирова ва унинг ўғиллари ҳақидаги биринчи очеркимни 1988 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилдирганман. Сўнг 1990 йилда “Йигирма миллиондан бири” китобимга шу мақолани киритиб, нашр эттирганимда Манзура опа ўқчидаги ҳовлисида дастурхон ёзиб хайр-эхсон қилган эди. Эҳсон сўнгида у менга беқасам тўн кийгизиб, шундай деди: “Беш азамат акам урушда йўқ бўлиб кетса-ю, ҳеч ким уларни эсламаса. Бу адолатли эмас-ку, деган фикр миямдан кетмасди. Мана энди шу армоним ушалди, уларнинг номи мактабдаги ёдгорликка ёзилди. Сиз матбуотда ёзиб бутун Ўзбекистонга маълум қилдингиз. Бунинг учун мактаб ўқитувчиларига, сизга, бутун ҳамқишлоқларимга раҳмат!”

Манзура опа эҳсондан сўнг менингни китобимдан бир қанчасини қариндошларига тухфа тариқасида тарқатди.

Манзура опа 2007 йил 4 апрелда 81 ёшида вафот этди. Агар ҳозир у ҳаёт бўлиб, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хотира ва Қадрлаш кунидagi тантанали маросимда Тошкент шаҳрида бунёд этиладиган Ғалаба боғи марказига Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб мухташам ҳайкал ўрнатишни, унга “Матонат мадҳияси” деб ном бериш таклифини айтиб, тантана қатнашчилари нечоғли гуриллаб олқишлаганини кўрганида боши кўкларга етарди. Лекин халқимизда “Рўх ҳозир” деган гап бор. Бу эзгу амал учун Зулфия она ва унинг навқирон ёшида кетган азиз фарзандларининг руҳлари шод бўлиб, халқимиз уларга мангу дуода бўлишига умид қиламиз.

Алиазар ЭГАМНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.

Тан — кўрзон, дард — меҳмон(ми?)

...Шифокорлар таҳлилларимга кўра "бачадон бўйни саратони", деб ташхис қўйишди. Эрим: "Ҳозир тиббиёт жуда ривожланган. Молю жонимни сотиб бўлсам, сени тузатаман", дедим. Лекин мен атрофдан: "Бу тузалмай-диган касал", деган гапни кўп эшитганман. Бекорга вақту маблағ сарфламай, жимгина тақдирга тан берайми ё бу касалликни чиндан ҳам даволаса бўладими?
Ашрафхон. Самарқанд.

Биз мазкур савол билан тиббиёт фанлари доктори, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази гинекология бўлими илмий раҳбари Наргиза ЗАХИРОВАга мурожаат қилдик.



Ҳар йили дунё бўйича 500 000 га яқин бачадон бўйни саратони аниқланади. Республикада эса йилига мингдан зиёд аёлга бачадон бўйни саратони ташхиси қўйилади. Бу хасталикка учраган беморларнинг 95-98 фоизи одам папилломавируси (ОПВ) орқали ушбу хасталикни юқтиради. Одам папилломавируси эр-хотин ўртасидаги интим муносабатлар орқали ўтувчи ва кенг тарқалган касалликдир. Лекин бу вирус аниқланса, у, албатта, саратон касаллигига олиб келади, дегани эмас. Чунки вирус ўз ҳолича организмни тарқ этиши ҳам мумкин. Шундай экан, ОПВ нима учун аниқланади? Бу вируснинг мавжудлиги аниқланса, аёллар янада чуқурроқ текширилади ва унда саратон белгилари бўлмаса, хавф гуруҳига киритилиб, динамик назоратда бўлишади. Бу вируснинг 400 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, юқори онкоген хусусиятга эга бўлганлари ўн олтинчи ва ўн саккизинчи турларидир.

Бачадон бўйни саратони республикамизнинг барча ҳудудларида учрайди. Кўпроқ Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Самарқанд ва Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикасида тарқалганлиги аниқланган. Баъзи хавф омиллари бачадон бўйни саратонининг ривожланиш эҳтимолини оширади. Ушбу хавф омиллари бўлмаган аёлларда бачадон бўйни саратони ривожланиши камдан-кам учрайди. Одам ўзи ўзгартириш олмайди (ёши ёки оилавий аҳволи билан боғлиқ), балки ўзгартириш ёки олдини олиш мумкин (сигарета, бетартиб жинсий ҳаёт, одам папилломавируси инфекцияси ва бош-

қалар) бўлган омиллар хавfli омиллар ҳисобланади. Лекин хавфни ўз вақтида билиб, унинг олдини олиш зарур. Турли таҳлиллар топшириш орқали бу касалликни вақтида аниқлаш мумкин.

Бачадон бўйни саратони асосан ўрта ёшдаги аёллар орасида учрайди. Узоқ йиллик иш тажрибамга кўра қизлар орасида бундай хасталик учрамайди. Хасталик қанчалик эрта босқичда аниқланса, даволаш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Бачадон бўйни саратонининг ривожланишида асосий омил одам папилломавируси, хусусан, энг хавfli турлари бу 16 ва 18 эканлигини айтиб ўтган эдик. Ҳозирги кунда бу вирусга қарши вакцина ишлаб чиқарилган ва 2006 йилдан буён АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия, Шотландия, Германия каби ривожланган давлатларда 9 ёшдан 14 ёшгача қизларни эмлаш амалга оширилмоқда. Охириги 2 йилда тиббиёт соҳасига, хусусан, онкология соҳасига давлатимиз, муҳтарам Президентимиз томонидан жуда катта эътибор берилмоқда, натижада ҳозирги кунда онкологик беморларни эрта босқичда аниқлаш, уларни даволаш борасида катта ижобий ўзгаришлар мавжуд. Ана шундай катта қадамлардан бири (Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари орасида биринчи бўлиб десам муболаға бўлмайди) ОПВ га қарши эмлашнинг Миллий дастур асосида амалга оширилишидир. Бизнинг мамлакатимизда 2019 йил 21 октябрдан 30 ноябргача яқин республика бўйича 300 мингга яқин 9 ёшли қизлар 4 валентли Гардасил вакцинаси билан эмланди. Ижтимоий тармоқ-

ларда тарқалган ҳар хил асоссиз мишмишларга қарамасдан, эмлаш дастури республикамизда юқори савияда ўтказилди, таъкидлаб ўтиш жоизки, эмлаш жараёнида ва ундан кейин ҳеч қандай асоратлар, ножўя таъсирлар кузатилмади. Вакциналар мавжуд бўлган инфекцияни даволамайди, балки унинг ривожланишининг олдини олади. Шунинг учун вакцинацияни қизлар турмушга чиқмасдан олдин ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Саратон бедаво касаллик эмас, ҳозирда ўз вақтида даволаниб, ҳамма қатори ҳаёт кечираётган қанчадан-қанча беморларимиз бор.

Аёлларимиз бир йилда 1-2 марта гинеколог-шифокор томонидан кўриқдан ўтиб турсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Бачадон бўйнида учрайдиган эрозиялар, лейкоплакия, эритроплакия ва саратон олди бўлмиш дисплазия касалликларини ўз вақтида даволаш хасталикнинг келиб чиқишига монелик қилади. Агар аёлда ўз саломатлиги борасида шубҳа туғилса, поликлиника шифокори уни онколог маслаҳатига ва чуқурроқ текширувлар ўтказиш учун юборади. Касалликнинг олдини олиш уни даволашдан ҳам руҳий, ҳам моддий томондан самаралироқдир.

Бачадон бўйни саратони ўз-ўзидан пайдо бўлмаганидек, ўз-ўзидан тузалмайди ҳам. Инсон ҳаёти, аввало, ўзи учун азият. Ҳаёт эса унга бир марта берилади. Уни асраш ҳар кимнинг ҳафсаласи, интизоми, руҳияти, иродаси ва атрофини қуршаган жамият муҳитига боғлиқ.

ҚАРАҒИШ

ҲУКОЯ

Бола ўлик туғилди. Бир кун ўтмай хотини ҳам жон берди.

Хотини: “Тўртинчи болани туққанимдан кейин тўхтатамиз. Шуларни эплаб боқиб, катта қилиб олсак ҳам катта гап”, деган эди. Тўртинчисини туғди ҳам, ўзи билан олиб кетди ҳам. Учтасини боқиб, катта қилишни унинг зиммасига юклаб кетди. Каттаси ўн учда, кичиги ҳали икки ёшга ҳам тўлмовди. Бировлар хотинининг дунёни эрта тарк этганига, яна бировлар унинг ўзига ачинишди. Бу дунёдан кетганларнинг қабрдаги ҳаётини кўпчилик ўйламайди, тўғрироғи, билмайди. У ҳаёт Яратганнинг ўзигагина маълум. Аммо уч бола билан бева қолган эрнинг тақдирини ўйловчи яқинлари унинг эртанги кунидан, норасидаларнинг қисматида ташвишланишди...

...Эргашнинг ўйланишига доир фикрлар яқинларининг ҳаёлида жаноза куниёқ уйғонган бўлса-да, марҳуманинг қиркидан кейин тилга кўчди. Эргаш табиатан ялқовроқ бўлгани учун рўзгор ташвишларининг бир учини эмас, асосий қисмини хотини кўтарди. Томорқани ҳам эпларди, тўйи бўлаётган келинларнинг кийимларини тикиб беришга ҳам улгурарди. Чеварлиги атроф кишлоқларга тарқгани учун, айниқса, тўй мавсумлари қўли-қўлига тегмасди.

Хотинидан кейин томорқа ҳам қаровсиз қолди. Болаларнинг бетларидан қон қочиб, сарғая бошлашди. Кишлоқ одатига кўра, бева эрнинг бир йил давомида ўйланиши айб саналса-да, қариндошлар кенгашиб, бу муддатни икки ойга келтиришди. Аёллар зиммаларидаги вазифаларини тез бажаришди. Шаҳарга яқинроқ кишлоқда яшовчи хотиннинг чиройи кўнгилга чироқ ёқа оладиган даражада бўлмаса-да, икки марта турмуш қуриб фарзанд кўрмагани учун Эргашга маъқул келди. Қариндошлар йиғи-

лишиб, никоҳлаб қўйишди. Раҳиманинг қўл-оёғи чаққонгина эди. Рўзгор ташвишларини зиммасига олди. Аммо қўл-оёғига мос равишда тили ҳам чаққон эди. Бир ҳафтадан кейин ялқов эрини гап ўтида қовуришни бошлади. Тиғли гаплари Эргашга таъсир этмагач, захрини болаларга сочишга ўтди. Эргаш унинг фарзандсизлигини эшитганида “Тирноққа зор бўлса, болаларимга меҳр қилар”, деб ўйлаганди... Бу хотиннинг исми жисмига, айниқса, руҳига мос эмас, “Раҳима” аталгани билан қалбида раҳм-шафқат озроқ эди. Агар рўзгорни Эргашнинг ўзи тебратганида, эҳтимол, унинг тили ҳам, қўли ҳам узун бўлмасмиди... Бир тарафдан фарзандсизлик алами, иккинчи томондан эрнинг дангасалиги, ғайратсизлиги ундаги ғазаб денгизини тўлдириб-тошириб юборди.

Раҳима қисматига шукр қилувчилардан эмасди, ўз тақдирини лаянатлашга қоникмай, эрини, кейин болаларни ҳам қарғай бошлади. Қарғаб-қарғаб ургани билан, болаларни оч-наҳор ташлаб қўймасди. Кичкинтойнинг иштонларини ювишдан ирганмасди. Эргаш шунинг учун ҳам унинг заҳарликларига чидади.

У-ку чидади, бироқ болаларнинг чидаши қийин эди. Бу уйдан чиқадиган ҳар бир товушга зийраклик билан кулоқ тутувчи холаларнинг чидамлари ҳам узоққа бормади. Эргашнинг катта қайнэгачиси болаларни кўргани келган куни ўртанча ўғил дастурхонга чой тўкиб юборди. Раҳима “Ҳа, шумгина етим!” деб қарғанди-ю, чап қўли билан тарсаки туширди. Ўртада қиёмат ғалваси бошланиши учун шунинг ўзи кифоя қилди. Бир-бирларининг сочларини юлишмади-ю, бироқ тиллари билан бир-бирларига кафан бичишди. Охири Раҳима “Болаларга раҳминг келса, олиб кет!” деб ҳайқирди. Хола эса “Олиб кетаман, Худо бекорга сени уриб қўймаган экан!” деб жавоб қилди.

Бу онда Эргаш чойхонада улфатлари даврасида яйраб ўтирган эди. Уйга хуфтонда ширакайф ҳолда қайтиб, ғалати манзарага дуч келди: хотини айвонда ўтириб олиб, қўл-оёқлари юлиб ташланган кўғирчоқнинг бошига игналар санчарди. Бу уйда ўғил болалар кўғирчоқ

ўйнашмасди, қайдан топди экан, деб ўйламади. У хотинининг ҳаракатига тушунмай анграйиб қолди. Раҳима эрининг келганини кўрса ҳам, ўрнидан жилмай, ишини давом эттирди. Эридан “Нима қиляпсан?” деган саволни кутди. Эргаш анқайиб туравергач:

– Ҳа, кўча хандон, уй зиндон, келдингизми? – деб минғирлади.

– Келдим, – деди Эргаш. – Нима қиляпсан?

– Илму амал қиляпман.

– Бу нима деганинг?


– Ҳали қайнэгачингиз келиб сасиб-сасиб кетди. Жиянларига ачиниб, олиб кетмоқчи. Менинг яхшилигимни билишмади уруғларингиз. Сиз ҳам билмайсиз. Худо олсин ҳаммаларингни. Мени ёмон деганларинг учун, энди ёмонлик қанақа бўлишини мендан кўрасанлар. Болаларингизни мана шунақа жоду қиляпман. Агар холаси эртага олиб кетмаса, учаласи

“

**БУ ХОТИННИНГ
ИСМИ ЖИСМИГА,
АЙНИҚСА, РУҲИГА
МОС ЭМАС,
“РАҲИМА” АТАЛГАНИ
БИЛАН ҚАЛБИДА
РАҲМ-ШАФҚАТ ОЗРОҚ
ЭДИ. АГАР РЎЗГОРНИ
ЭРГАШНИНГ ЎЗИ
ТЕБРАТГАНИДА,
ЭҲТИМОЛ, УНИНГ
ТИЛИ ҲАМ, ҚЎЛИ ҲАМ
УЗУН БЎЛМАСМИДИ...”**

“

**ЕТИМЛАРНИНГ РИЗҚЛАРИ
ЎЗЛАРИ БИЛАН БЎЛАДИ. БУ
ҚИСМАТ БАРЧАМИЗГА БИР
СИНОВ, ЕТИМЛАР БАҲОНАСИДА
САВОБ АМАЛЛАРИМИЗНИ
КЎПАЙТИРИБ ОЛАМИЗ”.**



бирин-кетин тил тортмай ўлади. Энди болаларингизнинг бу уйда туришлари мумкинмас, ҳатто шу кўчадан ўтишса ҳам ўлишади. Мени ҳайдайман, деб овора бўлманг, фолбин жоду қилиб қўйди: бу уйдан чиқиб кетган куним болаларингиз ўлишни бошлайди...

...Бу гапларни эшитиб, Эргашнинг бутун бадани музлаб кетди. Хотини охирги гапни айтмаганида муштини ишга солиши, кейин уни ҳайдаб солиши аниқ эди. Эргаш чорасиз қолди. Хотинини сўқишга ҳам тили бормади. Такдирини лаънатладию ҳовлига чиқиб бирпас туриб қолди. Кейин божасиникига қараб юрди. Қайнэгачиси уни ноҳуш кайфиятда қаршилади. Бир-икки пиёла чой ичилиб, болалар қисматидан гап очилгач, кун бўйи тўплаган барча захрини Эргашга соча қолди. Эргаш: “Менда нима айб? Бу хотинни ўзим топиб уйланибманми?” деса ҳам осон қутула олмади. Яхшики, Раҳиманинг жоду ҳақидаги гапларини айтмади. Айтганида балолар дўли остида қолиб кетиши аниқ эди. Эргаш “Хотиним инсофга кириб қолгунича болалар сизларникида турса бўлармикин?” деб илтимо с қилишга оғиз жуфтлаганида қайнэгачиси болаларни эрталаб олиб келишини билдириб, мушкулини осонлаштирди. Бу қарорга божаси монелик қилмади.

– Етимларнинг ризқлари ўзлари билан бўлади. Бу қисмат барчамизга бир синов, етимлар баҳонасида савоб амалларимизни кўпайтириб оламиз, – деди. Ўзининг тўрт фарзанди ёнига яна уч етимнинг қўшилиши оқибатида тирикчилик аравасини тортиш мушқуллашиши ҳақида гап очмади. Фақат Эргашни кузатиш чоғида “Аҳли аёлингизга насиҳат қилишдан чарчаманг, етимларнинг кўнглини оғритиб, гуноҳкор бўлиб қолмасин, бунинг жазоси оғир бўлади”, деб қўйди...

...Раҳима болаларни чиқариб юборишни истаётган бўлгани билан уларнинг бу уйда ўлишларини хоҳлама с эди. Эрини кўрқитиш учунгина айтганди. Лекин қўғирчоқнинг бошига игналар санчаётганини катта ўғил Йўлдош эшик тирқишидан кўриб ўтирганди. Ўсмирлик остонасида турган бола ўғай онасининг гапларини эшитиб титраб кетди. Жоду ва ўлим ҳақидаги гап Эргашнинг баданини музлатган бўлса, Йўлдошни ҳушидан кеткизай деди. Онасининг ўлими фожиасидан ҳали ўзига келмаган бола укаларининг ҳам ўлиб қолишини тасаввур этиб, кўрқиб кетди. Ярим кечаси укаларини уйғотиб, уйдан қочишни ҳам ўйлади. Лекин холасининг “Сенларни эртага олиб кетаман”, деган гапига ишониб, фикридан қайтди.

Холаси алдамади. Нонушта пайтида келди. Йўлдош ўгай онасининг уришиб беришидан кўрқиб, иштаҳаси бўлмаса ҳам нон чайнаб ўтирган эди. Холасини кўриб, қафасдан кутулган куш шодлигида енгил тортди. Бахтига, холаси ўтирмади, кечаги жанжални давом эттирмаслик учун “Йўлдошжон, болам, нарсаларингни тезроқ йиғиштир”, деди. Йўлдош олиб кетадиган кийим-кечак, дафтар-китобларини кечаси тайёрлаб қўйганди. Укаларига “Холамникига бориб ўйнаб келамиз”, дегач улар қувнашди. Ўзининг назарида онасининг руҳи кезиб юрадиган, онасининг ҳиди анқиб турадиган бу уйни, бу муқаддас гўшани бутунлай тарк этаётганини билгани учун юрагини биров юлиб олгандай бўлди.

...Кечалари онаси келгандай бўларди. Оқ шарпа кўринишида кириб келган онасининг бағрига ўзини отарди. Онаси билан гаплашарди...

...Энди... онаси кириб келганда уни ким кутиб олади? Онаси уларни қидириб бўзламайдими?..

Боланинг хаёлот олами ғоят бой бўлади. Катталар энг яқинларининг ўлимига тез кўникишади, ҳатто унута бошлашади. Бола кўника олмайди. Марҳум уларнинг хаёл оламида яшайверади.

Холасиникига кўчиб боришгач, биринчи тунда Йўлдош безгакка учраган каби тўлғаниб чиқди. Онасининг бу уйга ҳам кириб келишини кутди. Неча бор қаддини кўтариб, укаларига тикилиб ўтирди. Ўгай онасининг жоду ҳақидаги гапларини эслаб, яна титради.

Эртасига мактабга отланаётганида укаларига: “Уйимизга бормаларинг, кўчамиздан ҳам ўтмаларинг”, деб тайинлади. Кенжатоё унинг гапига тушунмади. Бош ирғаб қўя қолди. Аммо ўртанча ўғил “Нимага?” деб сўради. Йўлдош “Агар ўгай онамиз кўриб қолса, дўппослайди”, деб уни кўрқитди...

...Йўлдош отасиз яшашга ўргана бошлади. Бироқ онасиз яшашга кўникиши оғирроқ бўлди. Отани соғинмай яшаш мумкин, лекин уй соғинчига чидаш мушкулроқ экан. Йўлдош пайт пойлаб, ўгай онаси йўқлигида уйга кириб чиқишни ҳам ўйладию, жоду ва ўлим ҳақидаги гапни эслаб кўрқди. Бир куни кенжатоё ўзбошимчалик қилиб уйига бормоқчи бўлибди. Аранг ушлаб қолишибди. Мактабдан келиб, бу хабарни эшитган Йўлдош баттар кўрқди.

“Энди болаларингизнинг бу уйда туришлари мумкинмас, ҳатто шу кўчадан ўтишса ҳам ўлишади...”

Йўлдош шундай бўлишига, кўчаларида ўзиними ё укалариними ажал пойлаб турганига ишонарди. Дардини холасига айтса, у бориб Раҳима билан жанжаллашарди, ўгай она эса яна қаргарди... Йўлдош шундан чўчиди. Ўйлай-ўйлай, жодудан кутулиш чорасини топди: ярим кечада турди-да, “Ўлсам ўзим ўлиб қўя қолай, укаларимга тегмасин”, деган қарорда уйига қараб юрди. Кўрқа-писа қадам босди. Дарвозаси қаршисида пича турди. Кўшқанот темир дарвоза ўртасидаги эшик ғийқиллаб очилиб, ўгай она кўринишидаги ажалнинг ташланиб қолишидан кўрқиб, титради. Йўқ, эшик очилмади. Ажал ҳужум қилмади. Аксинча, ҳовли ёришгандай, дарвоза ортида онаси юргандай бўлди. Беихтиёр равишда эшикка қўл узатди. Онаси тириклигида эшикни сира тамбаламасди. Аксинча, эрта саҳар туриб, “Хонадонимизга Худо барака киритсин”, деган ниятда эшикни қиялаб очиб қўярди. Раҳима келгач, шом қоронғиси тушиши билан эшик тамбаланадиган бўлган эди. Бир куни Эргаш “Намунча кўрқасан, бўри ейдими?” деб танбеҳ берганида, “Ўзингни эҳтиёт қилсанг, Худо ҳам сени сақлайди”, деб жавоб қайтарганди.

Йўлдош бу тун ўгай онасининг одатини унутиб, эшикни очмоқчи бўлган эди...

Ўша тун ажал чанг солмаган бўлса-да, кун давомида кўрқувдан кутулмай юрди. Ранги оқарганини, иштаҳаси тортилганини холаси сезиб, “Касалмисан?” деб пешонасини ушлади, кейин бетидан ўпди.

Икки кундан кейин кўчасига яна борди. Бу сафар кўпам кўрқмади. “Ўгай онамнинг қарғиши менга ура қолсин”, деб Худодан сўради.

Шундан сўнг уйкуси ўчган тунлари ўрнидан туриб, уйи атрофини айланиб келишни одат қилди. Бир куни холасидан “Биров бировни қарғаса, бу қарғиш неча кундан кейин уради?” деб сўради. Холаси зийрак

аёл эди. Унинг мақсадини англаб, бошини силади:

– Яшшамагур ўгай онанг қарғаганмиди? Кўрқма, унинг қарғиши ўтмайди, – деди.

– Нега? – деб ажабланди Йўлдош.

– Худо уни ёмон кўради, ёмон кўргани учун ҳам шунақа ёмон қилиб яратган. Бунақаларнинг қарғиши ўзига уради. Худо қарғовчи одамларни ёқтирмайди. Бошқаларга яхшилик тилаган одамларни яхши кўради. Бола, сен катта бўлиб қолдинг, укаларинг тушунишмайди. Ўгай онанг ёмон бўлса ҳам, сен унга ёмонлик тилама. Шунда Худо ҳам сени яхши кўради...

...Холаси насиҳат қилмаса ҳам, Йўлдош ўгай онасига ёмонлик тиламаётган эди. У

дадасининг бу хотинни ҳайдаб юборишини, укалари билан уйларига қайтиб, тўртовлон бахтли-саодатли яшашларини истарди, холос...

Йўлдошнинг илмга муҳаббати зўр эди. Муаллимлари уни мақтай-мақтай, шаҳардаги лицейга юборишни таъкидлавериб, хола-си кўнди. Шаҳарда ўқишнинг харажати оиланинг моддий аҳволига таъ-

сир этса ҳам, сингисининг арвоҳи хотираси учун бу захматни ҳам бўйнига олди. Бу захмат уч-тўрт ҳафтагина давом этди. Холасини кутилган қийинчиликлардан Йўлдошнинг одоби, зеҳни халос қилди. Бадавлат оиланинг ёлғиз фарзанди билан ёнма-ён ўтириб, дўстлашиб қолган Йўлдош унинг дарс тайёрлашига ёрдамлашди. Ҳатто, кўшимча дарс берувчи зукко муаллимига айланди. Ўзини туттиши бу боланинг ота-онасига ҳам маъқул келиб, уйларида бир хонани ажратиб беришди. Уларнинг “Етимга қараш савоб”, деган тушунчаларига, Йўлдошнинг эркатой ўғилга ҳар томонлама далда эканидан қаноатланиш ҳисси кўшилди. Гарчи хизматкор бўлса-да, ҳовлининг юмушларини Йўлдош ўз зиммасига олиб, уларни қувонтирди.

Икки йил давомида Йўлдош бу оиланинг фарзанди мартабасидаги иззатга эришди. Эркатойнинг илм олишга зеҳни ўткир бўлмаса-да, интилиши бор эди. Унинг камчиликларини Йўлдош тўлдириб, инстутга ҳам бирга киришди.

Таҳсилнинг учинчи йили хориж дорилфунуни кўриги талабарини ҳамжиҳатликда бажариб, ўқишга биргалашиб кетишди.

Йўлдош инглиз тилини яхши билгани учун хориждаги талабалар билан тез дўстлашди. Дўстига “чет элдаги ўқишни битириб келган” деган номнинг ўзи кифоя қилгани учун, илм олишга қаттиқ киришмади.

**...ЙЎЛДОШ ОТАСИЗ
ЯШАШГА ЎРГАНА
БОШЛАДИ. БИРОҚ
ОНАСИЗ ЯШАШГА
КЎНИКИШИ ОҒИРРОҚ
БЎЛДИ. ОТАНИ
СОҒИНМАЙ ЯШАШ
МУМКИН, ЛЕКИН УЙ
СОҒИНЧИГА ЧИДАШ
МУШКУЛРОҚ ЭКАН.**

Бир гўзалга ишқи тушгач, дарс тайёрлашга тоқати етмай, Йўлдошни ўз ҳолига қўйди.

Ётоқлари ўрмонга яқин бўлгани учун Йўлдош бўш вақтини, айниқса, якшанба кунини дарахтзорда ёлғиз ўтказарди. Ўшандай кунларнинг бирида ўрмонга ўт тушди. Ер юзида шундай бало офати бўлиши мумкинлигини у тасаввур ҳам қилмаган эди. Катталарнинг “Эй Аллоҳим, сув балоси, ўт балоси, куруқ тухмат балосидан ўзинг асра!” деб дуо қилишлари бежиз эмаслигини шу ёнғинни кўриб англади. Сув балоси сел ўзининг юртида ҳам бўлиб турарди. Гарчи ўзи дуч келмаган бўлса-да, тухмат балосининг қандай фожиалар ёғдиришини эшитган, ўқиган. Лекин бунақа ўт балосининг дахшати энди дуч келиши эди. Назарида ўрмонга юз бошли аждаҳо макон куриб олиб, тинмай ўт пуркаётгандай эди...

...Бу дахшатдан гангиб қолган Йўлдош келган йўлига қараб қоча бошлади. Ёнаётган бир уй яқинидан ўтаётганида қиз боланинг чинқиригини эшитди. Ўзининг жони ҳам қил устида турганига қарамай, у тўхтади. Аланглади. Аланга тиллари ямлаётган дераза ортида ўсмир қизнинг дахшатдан чақчайган кўзларини кўриб, ўша томон ташланди. Атрофи ёна бошлаган эшик кулфлоглиқ эди. Йўлдош эшикни тепа-тепа очди. Ичкарига отилиб кирди-да, тутундан бўғилиб ҳушсизланган қизни кўтарганича изига қайтди. Ҳозиргина кириб келган эшик оғзи аланга билан тўсилган эди. Уйлашга, чора излашга фурсат йўқ эди. У таваккалига ўзини аланга оғзига урди. Ташқарига чиққанида ўзининг ҳам, қизнинг ҳам кийимлари ёна бошлаган эди. Юзлари ачишиб, кўнгли айниди, боши айланди. Кимнингдир қораси кўринди...

Бу онда уй соҳиби келиб қолиб, уни ерга йиқитганича оловни ўчирганини, машинасига ўтказиб бу дўзах балосидан қутқариб олиб чиқиб кетганини шифохонада ҳушига келгач билди. Қизнинг бобоси ўзини мистер Белден деб таништириб, дунёдаги ёлғиз юпанчини ўлимдан сақлаб қолгани учун раҳмат айтди. Мистер Белден шифохонага кунда икки марта келиб, Йўлдошнинг ҳолидан хабар олар, изига қайтишга шошилмай, суҳбатлашиб ўтирарди. Шундай суҳбатларнинг бирида ўғли билан келинининг йўл фожиасида ҳалок бўлганини, ўзи набираси билан ёлғиз қолганини айтди. Йўлдош ўзининг ҳаракатини қаҳрамонликка йўймаган, чолдан бир нима тама ҳам қилмаган эди. Ҳатто қимматбаҳо шифохонадаги муолажа ҳақини тўлаганини билиб озгина хижолат ҳам бўлди. Йўлдош шифохонадан чиққач, мистер Бел-

“ **МЕН БИРОВНИНГ**
ҲАҚИДАН ҲАЗАР ҚИЛАМАН. БУ
ПУЛНИ ТИЙИНИГА ҲАМ ХИЁНАТ
ҚИЛМАЙ САҚЛАБ ТУРАМАН.
ЙЎЛДОШБОЙ КЕЛГАНИДА НИМА
ҚИЛИШНИ ЎЗИ БИЛАДИ”.

ден уни шахар марказидаги қасрмонанд уйига таклиф қилди. Йўлдошнинг куйган юзидаги доғларни кетказиш учун шифокор билан гаплашиб қўйганини айтди. Кейин “Менинг мулким набирамга аталган эди, сен уни сақлаб қолдинг. Энди меросга тенг шериксан”, деб Йўлдошни ҳайратга солди. Йўлдош бундай марҳаматни қабул қила олмаслигини айтса ҳам, у ўз қарори қатъий эканини билдирди-да, ўзи ва оиласи ҳақида батафсил гапириб беришни талаб қилди. Йўлдош бошидан ўтганларнинг ҳаммасини ҳасрат дастурхонига тўкмади. “Онам вафот этганларидан кейин отам уйландилар, икки укам билан холамникида яшадик. Укаларим ҳозир ҳам ўша ерда”, дейиш билан чекланди. Шунда мистер Белден холасининг манзилни айтишни талаб қилди. “Миннатдорлигимни баён қилиб, укаларингга совға юбораман”, деди. Йўлдош айтди, лекин бу одамнинг кўп миқдорда пул юборишини ўйлаб ҳам кўрмади.

Йўлдошнинг даласидан нарида нималар бўлаётганидан беҳабар поччаси уммон ортидаги мамлакатдан бир неча минг долларни бу қишлоққа бир неча соатда етказиб берувчи тезкор молиявий хизмат тури мавжудлигини тасаввур ҳам қила олмас эди...

...Шаҳарга тушиб, пул олинди. Унинг довруғи ўша куниеқ қишлоққа ёйилди. Шубҳасизки, Раҳиманинг қулоғига ҳам етди.

– Вой, савил! – деди у гижиниб. – Отаси тирик туриб пулни нимага поччасига юборди!

Шундай деди-ю, миясида санчиқ турди. Дори ичганидан сўнг оғриқ сал босилгандай бўлгач, дийдиёсини давом эттирди:

– Боринг, лаллайиб ўтирманг! Отанинг ҳақини чўзиб қўйишсин.

Раҳима ҳадеб силталайвергач, Эргаш эринибгина ўрнидан турди. Қош қораймаган эди. “Божам даладан қайтмагандир”, деган ўйда чойхонага кирди. У ердагилар ҳам гапни пул ҳақидаги хабардан бошлашди:

– Ўғлинг топармон-тутармон бўлиб кетибди-ю, писмайиб юрасан-а!

– Текин ошни паққос туширишни билади у! Эртанги ош харажати тўлалигича шунинг бўйнида!

– Божанг эллик минг доллар олибди, сенга қанчаси тегади?

Шу гап ғалати бўлди. Унинг уйига етиб келган хабарда пулнинг миқдори йигирма минг доллар эди. Хотинлардан эшитган хабардан кўра чойхонада айтилган гап Эргаш учун ҳақиқат эди. Шу сабабли шом қоронғиси тушишини кутишга тоқати етмай, эллик мингнинг ярмини ундириш мақсадида ўрнидан турди. Божаси ҳовлидаги сўрида ётган экан, ўрнидан туриб кўришди. Ошхонадан чиқиб келган қайнэгачиси унинг келишдан мақсадини англаб, қўлини сочиққа артганича сўрига яқинлашди. Саломлашиб, сўрашди-ю, лекин эркакларнинг ёнига чиқиб ўтирмади. Гап пойлаш хунук одат эканини билса ҳам, тураверди. Эри гапни чўзмади:

– Оқшом сизникига ўзим ўтмоқчи эдим, Йўлдошбойдан яҳши хабар келиб қолди.

– Эшитдим... Пул юборганмиш. Ақлли бола-да, менинг ўғлим...

Бу гапи қайнэгачисига ёқмади. Қўлидаги сочиқни сўри суянчиғига ташлаб, унга ғазабли нигоҳини қадади:

– Пул юборгани учун энди сизнинг ақлли ўғлингиз бўлиб қолдими? Ҳар ҳолда бу ёққа хотинингиз юборгандир? Ҳақингизни талаб қилинг, дегандир, а?

Эргаш “ҳа” дейишини ҳам, “йўқ” дейишини ҳам билолмай қолди.

– Ҳақни талаб қилишмас-ку... лекин озгина камчиқимлигимиз бор... – деди чайналиб.

Қайнэгачиси яна гапирмоқчи эди, божаси томоқ кириб уни тўхтатди.

– Эргашбой, камчиқим бўласизми ё кўпчиқиммисиз, барибир, бу пулдан сизга беролмайман.

– Ие, ҳаммасини ўзингиз еб кетмоқчимисиз? – деб юборди Эргаш.

– Шуни гап деб гапиряписизми, божа?! Мен бировнинг ҳақидан ҳазар қиламан. Бу пулни тийинига ҳам хиёнат қилмай сақлаб тураман. Йўлдошбой келганида нима қилишни ўзи билади. Хоҳласа, ҳаммасини сизга беради. Менимча, шундай қилгани дуруст бўлади.

– Нега дуруст бўларкан? – деди хотин бу қарордан норози бўлиб.
– Сен гапга аралашмай, ишингни қил. Ҳар қандай ҳолатда ҳам отанинг ҳақи улуғлигича қолади. Сен жиянингни боққанингни миннат қилма. Биз савобталаб одамлармиз, буни унутма.

– Отанинг ҳақи улуғ бўлса, оталигини қилмайдими?

– Бор, ишингни қил!

Божаси яхши гапиргани билан, аҳдида қаттиқ туриб, пул бермади.

Эрининг қуруқ қайтганидан ғазабланган Раҳиманинг бош оғриги кучайди. Оғриқ эртасига ҳам тўхтамади. Индинига ҳам... Кейин врачга учради. Ёзиб берган дориларини ичди, фойдаси бўлмади. Шаҳар марказидаги врачга ҳам учради. Бир врач иккинчисига юборди, текшир-текшир ҳафталаб давом этаверди, шифодан эса дарак бўлмади. Эргаш дори-дармонга пул зарур деб, яна божасига йўлиқди. Ўжар божаси Йўлдош юборган пулдан бермади, ўзининг асраб қўйган маблағидан берди. Бу орада Йўлдош таътилга чиқиб, уйига қайтди. Мистер Белден катта жомадонга жойлаган совға-саломлардан қариндошлар мамнун бўлдилар. Йўқловчилар кетишгач, Йўлдош поччасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб сўради:

– Уйларни янгиламабсиз-ку?

– Уйни янгилаш қочмайди, сен аввал менга бунча пулни қаердан олганингни айт. Ҳаром аралашган бўлса, сендан розимасман.

Қаъий оҳангда айтилган бу сўздан кейин Йўлдош ёнгин воқеасини сўзлади-да, мистер Белден бериб юборган пулни олиб, унга узатди:

– Уйларни тузатиб, акамни уйлайлик, опаларимни узаттайлик, – деди.

– Аканг билан опаларининг ризқлари ўзи билан. Бу пулга ўзингга, укаларингга уй соламиз. Ўзларингни уйлаймиз, Худо хоҳласа. Сен ҳозир отангни ёлғизлатма. Ўгай онангинг тоби йўқроқ эмиш. Отанг камчиқимроққа ўхшайди. Унга ёрдам беришинг керак.

Эргаш ўғлининг қайтганини эшитса ҳам кўргани келмаган эди. Йўлдош эртасига чой, ширинликлардан халтага солиб, тўғри чойхонага борди. Айни дамда Эргаш ўғлининг меҳрисизлигидан нолиб, улфатларига ҳасрат қилаётган эди. Эшикдан кириб келган ўғлини кўрдию, гапи оғзида қолди. Йўлдош салом бергач, халтани чойхоначига узатиб, барча билан алоҳида-алоҳида сўрашди. Кейин яна чойхоначига юзланиб:

– Амак, битта ош дамлайсиз энди. Бу ерларнинг ошини соғинганман. Ош пишгунча дадам билан шифохонага бориб келамиз, – деди.

Шифохонада миядаги оғриқ азобидан тўлғаниб ётган Раҳима Йўлдошни кўргач, кўзларини юмиб олди. Оғриққа чидолмай шундай қилдими ё Йўлдошни кўришни истамадими ёинки ундан уялдими... Аслида кўзларнинг юмиб олинишида учала сабаб ҳам мужассам бўлганди. Ҳол-аҳвол сўралганда, агар бемор тилдан қолмаган бўлса, “Худога шукр”, деб қўйгувчи эди. Тилдан қолган оғир бемор ҳам кўз ишоралари билан шукронасини баён қиларди. Раҳиманинг мияси оғриётган бўлса-да, тили бийронлигига қарамай, жавоб бермади. Кўзларини ҳам очмади. Йўлдош бир неча дақиқа сукутда ўтиргач, даҳлизга чиқиб, бош врач хонаси томон юрди.

– Мияда ўсимта пайдо бўлган, тобора ичкарига қараб ўсаяпти. Бирдан-бир чора операция. Лекин отангиз ҳам, онангиз ҳам кўнишмаяпти, – деди бош врач норози оҳангда.

– Нега? – деб ажабланиди Йўлдош.

– Юз фоиз кафолатни талаб қилишяпти. Бундай кафолатни ҳеч ким беролмайди.

– Чет элга олиб борсак-чи?

Бу савол бош врачга ёқмай, қошларини чимирди. Чарм муқовали дафтарни столи устидан олиб, унга узатди.

– Бу нима? – деди Йўлдош ажабланиб.

– Ишларимиз натижаси. Сиз айтган чет элдаги беморлар бизга келишяпти. Ўқимишли йигитга ўхшайсиз. Истасангиз интернет орқали суриш-тиринг... Шундай деб сайт номини айтди-да, қўшиб қўйди: Мен сизни

ташвиқот қилмоқчи эмасман. Беморнинг ҳаёти учун ҳар бир кун эмас, ҳар бир соат ғанимат. Чет элга олиб боргунингизча масаласи ҳал бўлади.

Йўлдош отасини бу суҳбатдан оғоҳ қилмади. Шаҳарлик дўстиникига борди-да, компьютер орқали бу хасталикка доир маълумотларни аниқлади. Дунёдаги энг кучли клиникалар рўйхатида бу шаҳардаги шифохона номини ўқигач, отасини бу гаплардан хабардор қилди. Операциянинг бўлиш-бўлмаслиги Эргаш учун аҳамиятсиз эди. “Ўладиган ҳам ўзи, тирик қоладиган ҳам ўзи, аперайса бўладими-бўлмай-дими, ўзи ҳал қилаверсин”, деган тўхтамада қаъий эди. Уни кўпроқ бу муолажанинг чиқими қизиқтирарди. Йўлдошдан: “Бу хотин бизга оналик қилмади, бизни ҳайдаб чиқарди, энди нега мен даволатишим керак?” деган даъвои кутиб, хавотирланди. Йўлдош ўтган зулмни эсламади, таъна ҳам қилмади. Узоқ йиллар давомида юрагини тирнаб келган машъум хотира тирноқларини юзага чиқаришга уринмади. Аксинча, даволаш учун зарур бўлган барча чораларни амалга оширишга тайёр эканини айтиб, уни тинчитди. Врачлар тавсия этишса, чет элга олиб бориш имконияти ҳам мавжудлигини билдирди.

Эргаш ўша кунёқ бу хабарни хотинига етказди. Бундан Раҳима қувониши керак эди. Лекин кўнгли баттар гашланди. Ўгай ўғлининг марҳаматини қабул қилишни истамади.

– Божангизга боринг, – деди инграб. – Пулни Йўлдош келганида бераман, деганмиди? Ана, келди. Ҳақингизни олинг. Менга садақалари керакмас.

Ёмонлиги учун яхшилик қайтаётганини унинг қашоқ қалби қабул қилолмаётган эди. Мия оғригига энди виждон оғриги ҳам қўшилганди. “Дорилар таъсир қилиб, тузалиб кетаман”, деган умидда яна бир неча кун ётди. Кучли дорилар ҳам оғриқни қолдиришга ожизлик қилиб қолгач, операцияга розилик берди. Охириги текширув натижаларини кўрган врач бош чайқади. Энди операциядан умид йўқлигини билдирди.

Шифодан умид бўлмагани билан ажал ҳали узоқда эди. Раҳима ўлишни, бу азоблардан тезроқ қутулишни истарди. Лекин бу дунё охирати унинг истаги билан ҳисоблашмасди...

Ўгай онасининг кўришни хоҳламаётганини билган Йўлдош ўзини тортди. Поччасининг талабига итоат этиб, пулнинг бир қисмини отасига берди. “Уйга ҳам қараб қўйинг, ҳаммасини совуриб юбор-

**Йўлдош
ЎТГАН ЗУЛМНИ
ЭСЛАМАДИ, ТАЪНА
ҲАМ ҚИЛМАДИ.
УЗОҚ ЙИЛЛАР
ДАВОМИДА ЮРАГИНИ
ТИРНАБ КЕЛГАН
МАШЪУМ ХОТИРА
ТИРНОҚЛАРИНИ
ЮЗАГА ЧИҚАРИШГА
УРИНМАДИ.**

манг”, демади. “Нима қилсангиз ихтиё-рингиз”, – деди. Отасига инсоф бериш-ни Худодан сўради. Фарзанднинг дуо қилиши, албатта, яхши. Лекин Аллоҳ бандасининг қалбини муҳрлаб қўйган бўлса-ю, банданинг ўзида ҳидоятга интилиш кўринмас, юракдаги қулфнинг дуо билан ечилиши қийин экан. Эргаш беморнинг дардига шерик бўлиб ўтирадиган меҳрли эрлардан эмасди. Унинг меҳрибонлиги дори-дармон олиб келиш билан чекланди...

...Йўлдошнинг таътили ниҳоясига етиб, сафарга отланиш олдидан уйига борди. Онасининг излари қолган уй ҳавоси унинг қалбидаги ҳам ширин, ҳам захарли хотираларни уйғотди. Раҳима ҳушсиз эди, унинг кирганини, саломлашганини, сўнг шифо тилаб хайрлашганини билмади.

Кичик жомадонини божхона кўригидан ўтказаятганида Йўлдошнинг ён телефони жиринглади. Кўнгли бир хираликни сезиб, телефонни кулоғига тутди.

– Ҳали учганинг йўқми? – деб сўради дўсти.

– Йўқ... Тинчликми?

– Билмадим... Даданг келиб-кетдилар. “Бир-икки кун кетмай турса бўларди”, дедилар. Ўгай онанг оғир, шекилли. Нима қиласан?

Йўлдош кўп ўйланмади. Юкини олдида, қишлоққа қайтди. Холаси уни кўриб:

– Отанг чақиртириб олдими? – деди норози оҳангда. Кейин норозилиги боисини билдирди: Бекорга қайтибсан, орқага қайтишининг хосияти йўқ. Хотини ўлса, кўмишнинг харажатини ўзимиз кўтарардик. Сенинг туришининг шарт эмасди...

Холасини тинчитиш учун Йўлдош ёлғон гапирди:

– Ўқишимга телефон қилувдим, таътилни чўзишибди...

Холаси ёлғонга ишонгандай “яхши бўлибди”, деб қўйди.

Йўлдош ҳовли ўртасида туриб қолган эди. Холаси унинг ниятини англади. “Тўхтаб тур, бирга борамиз, куни битган бўлса рози-ризолик сўраб қолайлик. Майли-да, ёмон бўлса ҳам Худонинг бир бандаси эди...” деб ичкарига кириб кетди.

Раҳима ётган уйда унинг икки қариндоши паст овозда гаплашиб ўтирарди.

Раҳиманинг танаси ҳаракатсиз, рангида ҳам ҳаёт нишонаси қолмаган эди. Фақат аҳён-аҳёнда кўзларини катта-катта очиб, алаҳсираб қўярди. Холаси қариндошлар билан сўрашаётганида Раҳима яна алаҳсиради:

– Қўғирчоғим қани, қўғирчоғимни бер...

Шундай деб ингради. Қариндошларидан бири кафтини унинг пешонасига қўйди.

– Эрталабдан бери қўғирчоғини сўрайди, – деди қариндошлардан иккинчиси. Болалигини эслапти, шекилли...

Раҳиманинг алаҳсираши сабабини Йўлдош англади. Кўп йиллар муқаддам худди шу уйда қўғирчоқнинг бошига игналар санчаётган Раҳима кўз олдига келди. Унинг “Болаларингизни мана шунақа жоду қиляпман. Агар холаси эртага олиб кетмаса, учаласи бирин-кетин тил тортмай ўлади. Энди болаларингизнинг бу уйда туришлари мумкинмас, ҳатто шу кўчадан ўтишса ҳам ўлишади...” деган гаплари қулоқлари остида жаранглаб, акс садо бергандай бўлди. Кўзлари тиниб, боши айланиб, қўл-оёғи бўшашди. Бу уйда яна бир дақиқа турса ҳам ҳушидан кетиши мумкинлигини англаб, ташқарига шошилди.

Ичкаридан чинқириқ овози келди:

– Қўғирчоғим қани, қўғирчоғимни бер...

Раҳима гўё Йўлдошнинг чиқиб кетганини билгандай чинқирган эди.

Бироз нафас ростлагач, Йўлдош ичкарига қайтди. Аёллар жон таслим қилса жағи, оёқларини боғлаш учун оқ рўмолни шайлаб ўтиришарди. Холаси нима учундир беморнинг оёқ томонида ўтирарди.

Раҳима яна инграб қўғирчоғини сўради. Холаси савол назари билан Йўлдошга қаради. Онаси тириклигида ҳаммалари шу уйда яшашарди. Бир қатор бўлиб ётишарди. Онаси вафот этиб, Раҳима келгач, ёндаги ҳужра уйчага айланрилиб, уч ўғилга жой қилиб берилганди. Йўлдош тунов куни хайрлашгани кирганида ихтиёрсиз равишда шу ҳужра эшигини очиб қараганди. Болалик хотираларини уйғотувчи барча нарсалар шу ҳужрада айқаш-уйқаш бўлиб ётганди. Ҳозир бу ҳужра томон беихтиёр юрди. Эшикни очиб, бошларига игна санчилган ўша қўғирчоқни буюмлар орасидан излади. Орадан йиллар ўтган бўлса-да, бу бошнинг шу ерда ётганига ишонди. Ишончи алдамади. Эски кийимлар тагида ётган қўғирчоқнинг бошини қўлига олди. Бошга учта игна санчилган эди. Олиб ташлашни ҳам, ташламасликни ҳам билмай гарангсиб, холаси томон ўгирилиб қаради. Холасига айтишни истамади. Холаси унинг қилинга тушунмай ҳайратланганича тикилиб ўтирган эди. Ўрнидан туриб келиб, игна санчилган бошни кўрди-ю, ҳаммасини англади. Бошни унинг қўлидан олди.

– Суғуриб ташлайми? – деб пичирлаб сўради Йўлдош.

– Сен тегма. Бор, отангни топиб кел, – деб буюрди холаси. Йўлдош чиқиб кетиши билан қўғирчоқнинг бошидаги игналарни олиб ташлади. Шу пайт Раҳиманинг қариндошларидан бири уни чақирди:

– Опа, келинг, узилдилар, шекилли...

– Худоба шукр, азобларидан қутулди, – деди иккинчиси...

**АЛЛОҲ БАНДАСИНИНГ
ҚАЛБИНИ МУҲРЛАБ ҚЎЙГАН
БЎЛСА-Ю, БАНДАНИНГ
ЎЗИДА ҲИДОЯТГА ИНТИЛИШ
КЎРИНМАСА, ЮРАКДАГИ
ҚУЛФНИНГ ДУО БИЛАН
ЕЧИЛИШИ ҚИЙИН ЭКАН.**





ЎЗБЕКИСТОН

БИЛАН БИРГА НАФАС ОЛАМИЗ

**Журналист, шоира,
муаллима Ҳалима
Жуманиёзова қарийб
тўққиз йилдан буён
АҚШнинг Нью-
Йорк шаҳрида
яшайди. Ўз вақтида
маънавият-маърифат
соҳасининг фаол
тарғиботчиларидан
бири бўлган,
пойтахтимизнинг
нуфузли мактаблари,
олийгоҳларида
ўқувчи ва талабаларга
адабиётдан сабоқ
берган бу зиёли аёлнинг
бир неча шеърий,
насрий асарлари чоп
этилган. Ижодкорнинг
бугунги кечинmalarини
эътиборингизга
ҳавола қилар эканмиз,
соғинчлар аро энг
улуғи Ватан соғинчи
эканлигини яна ҳам
теранроқ ҳис қиламиз.**

Зиёлилик, маърифат нурлари билан одамлар қалбини ёритишга бўлган интилиш, ишонч менга насл-насабимдан ўтган. Катта боболарим Вали эшон, Авазмурод эшонлар ота юртим Тўртқўлнинг ўқимишли, иши билан ҳам, амали билан ҳам эл одамларининг ҳурматини қозонган инсонлар бўлишган. Улар яхшиликни ҳам кўришган, замона тақозоси билан қатағон изтиробларини ҳам тортишган. Мен ҳам умрим давомида уларга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қилдим. Беш нафар ўғил-қизларим қалбини илм билан зийнатлашни асосий бурчим деб билдим. Тўнғич ўғлимиз Дилшодбек мустақиллик имкониятларидан фойдаланиб, Америка Қўшма Штатларига ўқишга кетди. Ўзаро сўзлашувлардан билардим: Дилшодбекнинг ўқиш, ўрганиш, яхши мутахассис бўлиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашдан бошқа олий мақсади йўқ. Оила қуриш ҳақида сўз айтсам:

– Ойи, менга йигирма тўрт соат камлик қияпти, ҳали қанча билиму тажрибаларни ўзлаштиришим керак, – деб уйланиш масаласини орқага сураверар эди. Мен нафақа ёшига етгач, ўғлимнинг ёнига кетишни режалаштирдим. Чунки оила Шарқ кишининг асосий тарбиячиси, яшаш стимули эканлигига ишончим комил эди. Мен жону дили билан ўқиш-ўрганишга берилган ўғлимнинг ёнида бир парирухсор келинчакни, қолаверса, бири-бирдан ширин невараларни кўришни орзу қилардим. Шу боис Дилшодбекнинг ёнига йўл олдим. Бир сабаби шу бўлса, яна бир сабаби дунё кўришга бўлган иштиёқим эди. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” фаҳриясидаги:

*Америка мубҳам бир диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл машъали.
Колумбда бор алашим маним,
Ўзбекистон Ватаним маним...*

сатрларини ҳаммамиз биламиз. “Бобомиз кашф этиши мумкин бўлган диёрда яшашга биз ҳам ҳақлидирмиз”, – деган бир ўжар туйғу ҳам қалбимдан ўтганини яширмайман. Шу-шу Америкада турмуш ўртоғим, ўғлим Дилшодбек, келиним Ферузахон ва невараларим Сафия ва Алиа Озодлар билан бирга яшаяпмиз. Турмуш ўртоғимнинг исми Озодбеклиги учун, кичкинтойларга шу жарангдор номни фамилия қилиб олдик. Бу билан биз ҳам мустақил мамлакатнинг хур фуқаролари эканимизни таъкидламоқчи бўлдик.

Ташунганингиздай, океан орқасидаги биринчи ишим Дилшодбекнинг бошини икки қилиш бўлди. Худди ўзимиздаги каби совчиликка юриб, асли Бухорои шарифдан бўлган Манзура ойимнинг қизлари Ферузахонга уйлантирдим. Тўйни ёру дўстлар даврасида ихчамгина, ўзбекона қилиб, карнай-сурнайлар навоси остида, ўғлимга куёвчопонлар кийдириб, завқ-шавқ билан ўтказдик. Мен қудаларим билан, фарзандларим билан муомала-муносабатда она, бувилик бурчимни рисоладагидек адо этаётган бўлсам-да, шоира, муаллималик вазифамни ҳам ҳеч қачон унутмайман. Ўзимни ҳамиша фуқаролик бурчини адо этаётган бир ўзбекистонлик каби ҳис қиламан. Миллатимизнинг гўзал байрамларини – Наврўзи олам кирган лаҳзаларни, Мустақиллик байрами кунларини, умуман халқимиз учун қадрли бўлган барча саналарни Бруклин шаҳридаги ўзбеклар йиғилишиб, тантанали равишда нишонлаймиз. Албатта, бундай давраларга бошқа миллат вакиллари ҳам таклиф қиламиз. Либосларимиздан тортиб, сўзлаган сўзимиз, ўқиган шеър, куйлаган кўшиғимиз – ҳамма-ҳаммаси Ватанимиздан гапиради. Барча-барчасидан соғинч иси уфуради. Ёзган дастурхонимиз, бир-биримизга меҳр-оқибатимиз, чиройли лутфларимизни кўрган кўни-қўшниларимиз:

– Ўзбеклар ажойиб халқ экан, – дея эътироф этишади. Ҳатто, бизнинг юртимиз, халқимиз, анъаналаримиз ҳақида фахр билан қилган ҳикояларимизни эшитиб, Ўзбекистонга саёҳатга келганлар бўлди. Севимли шоирамиз (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) Ҳалима Худойбердиеванинг Москвада ўқиган чоларида ёзган бир шеърида:

**...Югураман кўксимдаги
шафтолизорда...**

деган сатр бор эди. Мен бу сатрлар маъносини ҳозир жуда яхши тушунаман. Ўзим бой-бадавлат, ҳаёти одамлар тилида афсоналарга айланган мамлакат хиёбонларида кезиб юриб ҳам киндик қоним тўкилган, менга, фарзандларимга олтин бешик бўлган онажон, жонажон Ватанимга хаёлан сафар қилавераман. Баҳорда гуллаган оппоқ бодомлари, ёзда олов рангига кир-

ган далалари, кузда шохлари мевалардан эгилган боғлари, қишда қумушдай ястанган қорлари бор гўзаллиги билан юрагимга кўчаверади.

**Соғиндим тунларда жилмайиб боққан
Ўзгача порлаган юлдузларингни.**

**Баҳор шамолида майин тебранган
Ариқ бўйидаги ялпизларингни.**

**...Ўйладим ҳар лаҳза сенинг ҳақингда,
Соғинчинг ичида яшадим фақат.**

**Бегона аёзлар қақшатган дамда
Хаёлинг ёпиндим қаватма-қават...**

**...Билдим, сендан ўзга бойлигим йўқдир,
Тинчим йўқотганман шамолларга хос.**

**Аслида мен сенга ўзимни ташлаб,
Соямни етаклаб келибман, холос...**

Ўғлим Дилшодбек ўзининг билим, тажрибасини ҳозирги замон кишиси учун кам деб билади, хануз ўрганади. Аслида у нуфузли бир компанияда иқтисодчи мутахассис. Ҳар икки фарзанди дунёга келганида унга аёлига қарашиш

учун уч ойлик таътил беришди. Гарчи ўзим тенги баъзи дўстларнинг набира эмас, кучук, мушук етаклаб юришига гашим келса-да, фарзанд тарбияси борасида отага она билан тенг масъулият юклайдиган бундай таътиллarga ҳавас билан қарайман. Яна Нью-Йоркда менинг ҳавасимни келтирадиган бир жиҳат бор. Бу ер аҳолисининг етти ёшдан етмишигача – ҳаммасининг умумий бир хоббиси бор: бу – китобхонлик. Хиёбонларда дам олиб ўтириб ҳам, транспортда юганда ҳам кўлларида китоб билан кўрасиз. Қироатхоналар ҳамиша гавжум. Фақат адабиёт аҳли эмас, ҳамманинг

ўқишга бўлган иштиёқи умумий тафаккур даражасига ижобий таъсир қилади, албатта. Бизда ҳам оммавий китобхонлик бошланганидан хурсандман.

Деярли, ҳар кун пойтахтимизнинг Файзибоб маҳалласида яшаётган фарзанду невараларим билан гапиришиб тураман. Қизу ўғилларим, невараларимнинг иш, ўқишларидан кўнглим хотиржам. Ахир, она юрт Ондай меҳрибон, отадай суянчиқ-ку. Ватанимизда бўлаётган барча яхши ўзгаришлардан хабардорман. Айниқса, таълим соҳасидаги янгиликлар, иқтидорли ўқувчиларга яратилаётган яхши шароитлардан чексиз қувонаман. Бир кунни ўзбекистонлик болалар Америкага эмас, америкалик ўғил-қизлар бизнинг Ватанимизга бориб илм олиши ҳақидаги башоратлар ҳақиқатга айланишига тобора кўпроқ ишонапман.

...Ана, Бруклинда тун бошланди. Бизда эса тонг отяпти... Мен ҳам соғинч тўла ёзувларимга уч нуқта қўяман. Чунки бирзум ўтиб яна ва яна дунёлар ичра топган дунём – Ватаним ҳақида ёзгим келаверади...



1000

ёшга киришни истасангиз...

Саломатлик – бахт, саломатлик – бойлик, тинч ва осуда яшаш, ўзингиз истагандай яшаш демакдир. Танангиз соғлом бўлмаса, бахтли ҳам, соғ ҳам бўлолмайсиз.

Жисмоний ва маънавий саломатлик умумий фаровонлик учун шу қадар муҳимки, инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ажралмас деб билсак, уларнинг ичида энг биринчиси ҳар бир кишининг унга жамият таъминлаб бера оладиган даражадаги саломатликка мутлақо эгаллик қилиш ҳуқуқи бўлиб қолади.

Саломатлик нафақат касаллик ёки жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги, балки тўлиқ жисмоний, руҳий, ижтимоий хотиржамлик ҳолатидир.

Аммо саломатлик ўз-ўзидан келиб қолмайди. Бунинг учун инсон ҳаётда ўрнини топиш учун курашгандек, оилавий бахтга эришиш учун мунтазам ҳаракат қилгандек тинимсиз интилиши зарурдир. Журналхонларимизга шу мавзу атрофида кенгроқ тушунча бериш ниятида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти валеологи, олий тоифали дерматовенеролог шифокор **Маъмура МУСУРМОНОВА** билан суҳбатлашдик. У қарийб йигирма йиллардан буён инсон умрини узайтириш масалалари билан узлуксиз равишда шуғулланади. Таркибида шифобахш моддалари бўлган гиёҳлардан инсон организми учун безарар дорилар тайёрлаш жараёнида иштирок этиш, ундан ҳам аввал одамларнинг ўзини касалликлардан сақланиш, ҳимояланиш жараёнининг марказига олиб чиқиш каби профилактика ва тиббиёт билан боғлиқ ҳодисалар ичида яшаб шифокорнинг ўзи ҳам ҳар жиҳатдан юксалди.

Бундан бир неча йиллар аввал Маъмураҳоннинг онаси Ҳилола ая саратон хасталигига чалинганида ёш шифокорнинг устозларидан бири:

– Кимёвий усулда даволаш бу дарддан халос бўлишнинг ягона йўли эмас. Ҳиндистон, Хитой, Малайзия каби давлатларда табиий йўллар билан умри узаяётган беморлар бор. Сиз ҳам шу жараёни ўрганиб кўринг, – дея маслаҳат берди. Маъмура Мусурмонова йўл юрди, халқ табобатининг энг самарали янгиликлари билан танишди. Ишонди ва оназорини емираётган дард билан курашди ва Ҳилола аянинг умрини ўн бир йилга узайтиришга сазовор бўлди. Бугун у барча оналар, умуман, ёшу кексанинг саломатлиги йўлидаги фидойи курашчилардан бири. Республикаимиздаги таниқли олимлар, Германия, Малайзия, Ҳиндистон каби ривожланган давлатларнинг машҳур доришунослари билан биргаликда ўзимизда ўсадиган ўсимликлардан дорилар тайёрлаш, уларни экспорт қилиш, мамлакатимизни фақат хомашё таъминотчиси бўлиб қолишдек тараққиётга тўғон босувчи ҳолатлардан халос этиш каби долзарб масалаларнинг амалиётчиларидан. Айнан шу жабҳадаги эътиборга лойиқ фаолияти, шифобахш гиёҳлардан организмни тозаловчи, тикловчи ва яшартирувчи, иммунитетни кўтарувчи, қувватни оширувчи ва бошқа хилдаги безарар дориларни тайёрлаш ва тарқатишдаги хизматлари бу шифокорни мамлакатимизнинг пешқадам тадбиркорлари ва инновациячилари сафига олиб чиқди. У Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” танловининг голиби сифатида Кореяда ташкил этилган ихтирочи аёлларнинг халқаро кўргазмасида иштирок этди ва олтин медаль соҳибаси, “Ташаббус-2019” Тошкент шаҳри голиби бўлди. Тошкент шаҳри ва барча вилоятларимизда Валеоцентрлар (Саломатлик ташхис ва табиий даволаш марказлари)ни ташкил қилишга бош-қош бўлди. Уларда инсон саломатлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзи тренинглари, кўшимча иш ўринлари яратиш учун бизнес мотивацион тренинглар олиб борилмоқда. Шифокорнинг инсон ўз-ўзининг халоскори эканлигини ўқтириш руҳидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Мутахассисларнинг фикрича, инсонларнинг генетик яшаш муддати, яъни умр кўриши 100-120 ёш дейилади. Бунга ҳар ким ўз организмнинг ички имкониятларини ишга солиш ёрдамидагина эришиши мумкин. Аммо биз ўз соғлигимиз ҳақида етарлича қайғурмаймиз. Соғлигимизни асраш учун ҳам, зарурият тугилганда тиклаш учун ҳам керагича маъсулият ҳис қилмаймиз. Аслида эса ҳар бир инсон – ўз тақдирининг эгаси. Одамнинг соғ-саломат умргузаронлик қилиши шифокорларга, умуман, тиббиётга фақат 10 фоиз ҳолатдагина боғлиқ. Соғлом яшаш 90 фоиз ҳолатда инсонларнинг ўз қўлидадир. Шу оддий ҳақиқатни баъзан билмаганимиз, баъзан эса билиб туриб амал қилишга эринганимиз учун жисму жонимизни турли-туман касалликлар эгаллаб олмоқда. Хасталикларга эса, асосан, бизнинг организмимизда тўпланиб қолган токсинлар ва захарлар сабабчидир. Улар ишлов берилган озуқа ва ичимликлар, ифлосланган ҳаво, стресс, дорилар, ортиқча овқат, камҳаракатлилик, зарарли одатлар туфайли танада йиғилади. Айнан шу токсинлар, шунингдек, яшаш учун зарур ингредиентлар (витамин ва минераллар) балансининг бузилиши ва иммун тизимидаги норасоликлар туфайли касалликлар келиб чиқади. Хасталикларнинг яна бир сабабчиси ҳар бир инсон танасида зараркунандалик қилувчи гижжа ва гельминтлар ҳисобланади. Улар бизнинг ҳамтовоқларимиз. Айнан гижжалар сабабли организмда

A woman with dark hair, smiling, wearing a light-colored, belted coat and a matching scarf. She is standing outdoors, possibly on a balcony or near a railing, with a blurred background of trees and a building. The text is overlaid on the right side of the image.

**САЛОМАТЛИК НАФАҚАТ
КАСАЛЛИК ЁКИ
ЖИСМОНИЙ
НУҚСОНЛАРНИНГ
ЙЎҚЛИГИ,
БАЛКИ ТЎЛИҚ
ЖИСМОНИЙ,
РУҲИЙ, ИЖТИМОИЙ
ХОТИРЖАМЛИК
ҲОЛАТИДИР.**

кўп миқдорда шлаклар, ичакларда нажастошлари тўпланади. Масалан, 25 ёшли кишида ҳаёти давомида 10-12 килограммгача шлак ва ахлат тошлари йиғилиши мумкин. Оқибатда бавосир, варикоз, аёлларда миома, киста, мастопатия, эркаларда простатит ва аденома каби муаммолар пайдо бўлади. Организмдаги заҳарлар доимий тарзда қонга сўрилиб, жигар, буйрак, қон томирлари ва юракни шикастлайди. Шундан сўнг бўғимлар, кулоқ, кўз ва терида ҳам ўзгаришлар кўзга ташлана бошлайди. Бундай ҳолатда саломатликни қайта тиклаш учун ишонч билан тизимли иш олиб бориш керак. Аввало, инсон қалбида соғайиш ва яхши томонга ўзгариш истаги қатъий бўлиши лозим! Чунки ҳар бир яхши самара қатъий истак-хошидан бошланади.

Шу ўринда соғлом турмуш тарзини шакллантириш: зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш, машқларни бажариш учун сабр-тоқат ҳам жуда зарур. Яна бир муҳим жиҳати шуки, руҳий ҳолатнинг мўътадил бўлиши, стрессдан сақланиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўз ўрнида инсоннинг саломатлигини таъминлашда кун тартибининг ҳам алоҳида аҳамияти борлигини айтиб ўтиш жоиз. Аввало, кундалик ҳаракат меъёрини белгилаб олиш керак. Ҳар куни эрталаб 15-20 дақиқа бадантарбия қилиш лозим. Кунига тоза ҳавода 3-4 километргача пиёда сайр қилиш (ёки ишга пиёда бориб-келиш) муҳим аҳамиятга эга. Бир ҳафтада 2-3 марта спорт секцияларига (сузиш, стретчинг, йога, фитнес) қатнаб шуғулланишнинг ҳам фойдаси катта. Бундан ташқари, кунига 4-5 марта оз-оздан табиий маҳсулотлар билан озиқланиш зарур.

Инсон танасининг 75-80 фоизини сув ташкил қилади. Агар мувозанат бузилса, яъни тана сувсизланса, аъзо ва тизимлардаги муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун киши ўз вазнига қараб сув ичиши (1 кг. тана вазнига 30 мл. сув) керак. Бу меъёр ёзда кунига 2,5-3 литр, қишда 2-2,5 литрга тўғри келади. Газсиз, қайнатилган сувни ҳар ярим соатда 100 мл. (0,5 стакан) дан соат 19:00 гача ичиш лозим. Кечкурун 19:00 дан кейин уйқуни бузмаслиги учун кўп сув ичиш тавсия қилинмайди. Ҳомиладорликда ва буйрак хасталикларига қанча сув ичишни даволовчи шифокор белгилайди.

Овқатланишда ҳам маълум меъёрларга риоя қилиш керак бўлади. Кунига кам-камдан 4-5 марта таом қабул қилиш, рационнинг хилмаҳиллигига эътибор бериш, кўпроқ мева-

сабзавотлар истеъмол қилиш талаб этилади. Таом ва салатлардаги бир кунлик оштузи миқдори 5-6 граммдан ошмаслиги керак.

Ҳозирги вақтда шаҳар аҳолиси рационининг асосий қисмини яримтайёр маҳсулотлар, кимёвий қўшимчалар ташкил қилади. Шунинг учун уларнинг овқатида витамин ва минераллар кам. Уларнинг етишмаслиги организмда “яширин очлик” ҳолатининг юзага чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бу борада шифокор тавсиясига мувофиқ минералли препаратлар, микронутриентлардан қабул қилиб туриш мақсадга мувофиқ.

Соғлиқ учун яна бир муҳим нарса — организмни тозалаш. Бу ҳуқна ва антигельминт препаратлар билан даволанишни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда тиббиёт муассасаларида табиий усулда организмни тўлиқ тозалаш, ичаклар, ўт, жигар, ошқозон, буйрак ва бўғимларни соғломлаштиришга мўлжалланган муолажалар олиб борилмоқда. Агар киши етарли тиббий билимга эга бўлса, гигиена ва стериллаш қоидаларини яхши билса, тозалаш амалиётини уй шароитида бажарса ҳам бўлади. Организмни тозалаш барча санитария талабларига амал қилган ҳолда олиб борилиши керак. Шунингдек, бу усулда даволанишда асосий эътибор парҳезга ҳам қаратилади. Гўшти, ёғли, қовурилган таомлар, тузланган ва дудланган маҳсулотлар, ширинликлар ва хамир овқатлар чекланади. Ўзим шу қоидаларга амал қилиб, 107 кг.дан 75 кг.гача вазн ташлаб, танамни соғломлаштиришга муваффақ бўлдим.

Организмга қувват бағишлайдиган ва иммунитетни кўтарадиган дамламаларни қабул қилишни ҳам унутмаслик керак. Таъкидлаш зарурки, қуруқ мевалар, қоқиларнинг танани керакли витамин ҳамда микроунсурлар билан таъминлашда нафи жуда катта. Мисол учун ёнғоқ, туршак, майиз, хандонписта каби неъматлар айрим мамлакатлар дорихоналарида чиройли қадоқларда қиммат нархларда сотилади. Булар бизнинг юртимизда жуда сероб. Аммо биз “ёнимиздан оққан дарё”нинг қадрига етмаймиз. Ушбу маҳсулотларни тўйиб истеъмол қилсак, витамин ва минераллар тақчиллигидан йироқ бўламиз. Барча касалликлар иммунитет сустлиги, қон яхши айланмаслиги, яширин очлик, тўқималарга кислород ва озиқ моддалар етиб бормаслигидан келиб чиқади. Хулоса қилиб айтганда, ўзимиз ўзимизнинг табибимиз ва масъулиятли назоратчимиз бўлсак, берилган умрни муаммоларсиз ва чиройли яшаб ўтамыз.




Аксарият аёллар

қиш мавсумида йўл қўядиган хатоликлар

**Кўчага
отландингизми?
Шошманг! Аксарият
аёллар қиш
мавсумида йўл
қўядиган хатоларни
такрорламадингизми?
Қанақа хато
дейсизми?**

ЮЗИМ ҚУРУҚЛАШМАСА БЎЛГАНИ...

Совуқ ҳаво дастлаб юзда сезилгани боис асосий эътиборни юз териси парваришига қаратамиз-у, бўйин ва қўл териси ҳақида унутиб қўямиз. Аслида эса қўл ва бўйин териси ёшга боғлиқ ўзгаришларни биринчи намоён этувчи соҳалардир. Шу боис қишқи парваришда фақат юз терисига эътибор қаратишнинг ўзи етарли эмас. Юзингиз учун фойдаланадиган кремлардан бўйин соҳасига ҳам суртинг. Бу ишни кечкурун уйкуга ётишдан аввал бажарсангиз, тери катаклари кремдаги керакли озукани яхши қабул қилади. Қўл терисининг парваришини эса бир кунда бир неча маротаба бажариш мумкин. Бунда сизга қўл терисини юмшатувчи ва озиклантирувчи кремлар (зайтун ёғи, лимон, мойчечак асосидаги) асқатади. Қўлингизни ювгандан сўнг, албатта, артиб қуриши кераклигини унутманг.



КРЕМ ҚАНЧА ЁГЛИ БЎЛСА, ШУНЧА ЯХШИ!..

Терингиз аслида ёғли ёки аралаш турга мансуб бўлса, ёғли крем ёрдамида қўшимча муаммо орттириб олишингиз турган гап. Сабаби, ёғли тери қўшимча ёғни қабул қилолмайди. Натижада тери катакларининг беркилиб қолиши ёки ёғ мувозанати бузилиши мумкин. Лекин тери қавати нозик (юпқа) ва қуруқ бўлса, ёғли кремлар зиён қилмайди.

Терингиз қайси турга мансублигини билсангиз, аввалдан фойдаланиб келаётган кремларингизнигина ишлатинг. Ягона шарт: совуқ мавсумда бундай кремларни бироз қалинроқ суртиш керак.

ҚИШКИ ҚУЁШ НУРЛАРИ ЗАРАРЛИ ЭМАС...

Терига таъсир этувчи қуёш нурининг икки хил кўриниши мавжуд бўлиб, уларни А ва В турга ажратишади. В турдаги қуёш нури ёзги мавсумда тери учун хавfli бўлса, А турдаги қишда терини зарарлантиради. Айнан мана шу А туридаги қуёш нури юз терисига ёшга боғлиқ ўзгаришларни юзага келтиради.

Замонавий кремлар таркибида икки турдаги қуёш нуридан ҳам ҳимояловчи бирикмалар мавжуд. Косметик воситалар сотиладиган дўконлардан доим фойдаланадиган кремнингизни қишқи мавсум учун мўлжалланганини суриштириб, харид қилсангиз, фойда қиласиз. Харид вақтида крем таркиби ёзилган қисмига эътибор беринг. Унда қуёш нуридан ҳимояловчи асос мавжудлиги кўрсатилган бўлса, иккиланмай олаверинг.

Юз терисининг ҳаддан ташқари қуриб кетиши организмда А, С витаминларининг етишмаслиги ёки жигар ва ошқозонности беши хасталикларидagi ёғ алмашувининг бузилишидан дарак беради.

ҚУРУҚ ЮЗГА НИҚОБЛАР

* 100 гр. асал билан 1 дона лимон шарбати аралаштирилади. Тайёр бўлган ушбу масса тоза юзга юпқа қатламда суртилади. 5-10 дақиқадан сўнг совуқ сувда ювиб ташланади.

* 1 чойқошиқ асал, 2 ошқошиқ ун ва 1 дона тухум оқини хамирга ўхшаш ҳолатга келгунга қадар обдан аралаштирилади. Сўнг юзга суртиб, 15 дақиқа ушлаб турилади, кейин илиқ сувда ювилади.

* 2 ошқошиқ спиртта 2 ошқошиқ сув, 1 чойқошиқ асални оловда бироз иситиб яхшилаб аралаштириб юборилади. Кечки пайт 12 дақиқа ушлаб туриб ювиб юборилади. Ушбу ниқоб юзни тозалайди, уни турли микроблардан дезинфекция қилади ва терини юмшатади.

* 35 гр. асал, 90 гр. арпа уни ва 1 дона тухум оқини кўпиксимон ҳолатга келтириб, яхшилаб аралаштирилади. Аралашмани терига суртиб, 15 дақиқадан сўнг илиқ сувга ювиб ташланади. Бу ниқоб ажин тушишининг олдини олади.

ДИЛСОРА тайёрлади.

САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси
хотин-қизларининг ижтимоий-
сиёсий, адабий-бадиий,
безакли журнали
1925 йилдан чиқа бошлаган

1-сон (905) 2020 йил

МУАССИС:

**Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси**

БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара УСМОНОВА

“САОДАТ” КЕНГАШИ:

Элмира БОСИТХОНОВА

Танзила НАРБАЕВА

Муҳаббат ШАРОПОВА

Дилбар НАЖМУТДИНОВА

Ойдин ҲОЖИЕВА

Энахон СИДДИҚОВА

Гулистон МАТЁҚУБОВА

Гулчеҳра ОХУНОВА

Гавҳар АЛИМОВА

Мавлуда ҚОБУЛОВА

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Маҳмуда САЪДУЛЛАЕВА

Бўлим мудир:

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Мусахҳих:

Махсума ЭРГАШЕВА

Саҳифаловчи:

Шерзод АБДУРАҲМОНОВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани

Мирзакалон Исмоилий Г-1.

E-mail: info@saodat-gul.uz

Веб сайт: www.saodat-gul.uz

Тел.: (71) 202-70-04, 202-70-05

Босмахонага **6.02.2020** йил

топширилди.

Қоғоз бичими **60x84 1/8.**

Ботик босма.

Нашр ҳисоб тобоғи **5,75.**

Индекс – **867**

ISSN 2010-541X. Журнал 2006 йил

22 декабрда Ўзбекистон Матбуот

ва ахборот агентлигида 0061-рақам

билан рўйхатга олинган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди.

Буюртма **№817.** Адади **2300.**

Баҳоси келишилган нарҳда.

Ушбу сонда:

- 2 Бош муҳаррир минбари
Дориламон кунлар шуқуҳи
- 4 Аёл ва сиёсат
**Инсонни ўзгартириш орқали
жамиятни ўзгартирамиз**
- 6 Илдизлар ва япроқлар
Матонат
- 8 Ватан ҳимоячилари
Бедор тунлар бекаси
- 10 Шеъринг
**Мени ошиқ қилдинг,
инсон айладинг...**
- 12 Унутилмас сиймолар
Чақмоқ каби чақнаган умрлар...
- 16 Яхшилар ёди
Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди
- 20 Наср
Қарғиш
- 26 Олисдаги яқинларимиз
**Ўзбекистон билан
бирга нафас оламиз**



ОБУНА – 2020

Азиз она-сингиллар!

Кўп йиллик қадрдонингиз “Саодат” журнали 2019 йилдан бошлаб ҳар ойда чоп этилмоқда. Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидаги янгиликлар, санъаткор, ёзувчи, шоирларнинг асарлари, шахсияти ҳақидаги қизиқарли материаллар, тарихий ҳикояларни Сизга тақдим қилиб бормоқдамиз ва бу мавзулар бардавомдир. Энг дилбар, дилкаш, жозибали нашр “Саодат” журналига 2020 йил учун обуна давом этмоқда!

“Саодат” журнали индекси – 867.

Журналнинг бир сони учун белгиланган
нарх – 10.000 сўм. Бир йилга – 120.000 сўм.
Бу нархга почта ва йўл харажатлари қирмайди.

Спортимиз

маликалари

Юртимизда спортнинг қатор турларида, жумладан, қиличбозлик тури бўйича ёшларга берилган алоҳида эътибор натижасида ўтган қисқа фурсатда ўнлаб маҳоратли ёшлар етишиб чиқдики, бугун улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Шаҳноза Тоғаймуродова, Севинч Исмоилова, Айсулу Уснатдинова каби ўнлаб умидли ёшларимизни халқаро қиличбозлик олами нафақат билади, ҳатто қиличбозлик йўлакчасининг энг номдорлари ҳам вакилларимизни асосий рақибалари, дея эътироф этишмоқда. Ўзбекистон чемпиони, ёшлар ўртасида Жаҳон кубоги босқичи голибаси, жамоавий баҳсларда Осиё чемпиони Зайнаб ДАЙИБЕКОВА ана шундай қизларимиздан бири.



Ушр 10050

Севара Назархон

санъат сахнасию ҳаёт сахнасида
бирдай самимий.

